

Бахтиёр ЖУМАНОВ

# БЕҒУБОР ХАЁЛЛАР СОҲИЛИ

*(наср ва назм)*



“Зарафшон” нашриёти,  
Самарқанд – 2005 йил


84 (59) 6-4

*Китобнинг номиданоқ кўришиб турибдики, муаллиф оддий қишлоқ кишининг дил дардларини, ички кечинмаларини, дунёқарашини, кўпчиликнинг эътиборини жалб этадиган ҳолатларни соддароқ тарзда баён этишга интилган. Бу беғубор туйғулар бировимизга ёшлигимизни, бошқамизга оддий ўзбекнинг ички дунёсини ҳис этишга ундашига шубҳа йўқ.*

**Бахтиёр ЖУМАНОВ**  
**БЕГУБОР ХАЁЛЛАР СОҲИЛИ**  
*Наср ва назм*

NO 31310  
082

© Б. ЖУМАНОВ  
© “Зарафшон” нашриёти,  
Самарқанд 2005 йил



## Бисмиллаҳир-роҳмавир-роҳийм

*Жанговар шоир ва педагог  
Ҳабиб Умарий таваллудининг  
80 йиллигига бағишлайман*

### БЕҒУБОР ХАЁЛЛАР СОҲИЛИ

#### 1. ТАНИШУВ

1967 йил. Ёз фасли. Ўшанда эндигина тўртинчини битириб, бешинчи синфга ўтган болакай эдим. Бизга яқин Зокировул адоғидаги қуюқ дарахтзор орасида пионер лагери ташкил этилган бўлиб, унга физика фани ўқитувчиси, кўкгумбазлик Душан Ўрозқулов бошлиқ бўлиб келганди. Душан ака амакимни, яъни ўз дўстини хўжалик ишлари мудирини этиб ишга олганди. Чунки ўша йили бутун оиламиз жамул-жам бўлиб, энам ва опаларим қаттиқ ишлашиб, амакимга денгиз тўлқини рангидаги “Москвич” автомашинаси олиб беришганди. Табиийки, амаким ёзги болалар оромгоҳига зарур озиқ-овқат маҳсулотларини, турли майда-чуйдаларни шу машинада етказиб бериш имкониятига эга эдилар. Машина амакимга кўтаринки кайфият, обрў-эътибор, битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлаганди. Ахир енгил машиналар ҳали унчалик кўп эмасдида.

- Лагерга бормайсанми? — деб сўрадилар бир куни у киши.
- Майли бораман.

Бир оғиз розилигим билан эртасигаёқ бутунлай янги муҳитга — пионерлар оромгоҳига бориб қолдим. Бу ерда ҳар куни эрталабки нонушта ва кечки овқатдан кейин бўйнимизга алвон галстук боғлаб, йиғинга тўпланардик, яъни очиқ майдонда катта тўртбурчак шаклида саф тортиб турардик. Мавжуд аҳвол таҳлил этилгач, тарқалардик ва кейин ўйин-кулгу бошланар, турли тadbирлар ўтказиларди. Даврамизда менга навбат беришганида ўртага чиқиб, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Фафур Фулом, Миртемир шеърларидан бирини баланд овозда, қироатини келтириб, чанкиллаб айтиб берардим. Бундан ташқари оз-моз рубоб чертардим, ашула айтардим, расм чизардим. Хуллас, оромгоҳдаги тарбиячилар, тенгдошларим

мени яхши кўриб қолишганди. Бир куни бошлиқ Душан Ўразқулов мени ёнига чақириб, шундай деди:

– Ўғлим, шеърни яхши ўқиркансан. Бешинчи синфга кўчганинг билан аллақачон саккизинчи синф материалларини ўзлаштирибсан. Энди айт-чи, ўзинг ҳам шеър ёза оласанми?

– Билмадим.

– Агар ёзсанг, сени Ҳабиб Умаров деган яхши бир инсон билан таништираман.

Мен ҳеч нарса дея олмадим. Тўғриси айтганда, ҳали ўзимда шеър ёзишга иқтидор ёки қобилиятни хис этмагандим. Опаларим адабиёт дарсликларидagi шеърларни овоз чиқариб ёдлаётганларида уларнинг ёнида бўлардим ва диққат билан қулоқ солардим. Эшитганларим бирпасда бошдан охиригача ёдимда қоларди. Улар такрор-такрор ўқиб, адашганларида мен эслатиб турардим. Қобилиятим шу эди, халос.

Хуллас, қандай қилиб шеър ёзсам экан, деб роса бош қотирдим. Охири оромгоҳимиз тўғрисида ёзишга қарор қилдим. Душан Ўразқуловдан чиққан фикр сабаб бу ердан олган таассуротларим асосида оплоқ қоғозга “Салом лагер” дея сарлавҳа қўйдиму биринчи шеъримни ёздим. Шу тариқа роса мириқиб дам олганимиз, энди бунга жавобан нуқул “беш” баҳога ўқишга ваъда бериб, ўн икки сатрли шеърни тугатдимда, хайрлашув гулхани ёқиладиган куни Душан акага топширдим. Бу шеър таҳририятдагиларга маъқул тушган шекилли, уйга қайтганимдан сўнг орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас газетада босилиб чиқди. Ўз исми-шарифимни биринчи бор газетада кўриб, қувончим ичимга сиғмай қолди. Уни қайта-қайта ўқидим. Албатта, унга ишлов беришган, айрим қофия, бўғинлар тартибга солинганди. Шеър мен ёзганимдан кўра жарангдорроқ чиққанди. Шундан сўнг дилимда шеър ёзсам буларкан деган фикр пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай иккинчи шеъримни ёздим ва аммамга эргашиб туман газетаси таҳририятига – Ҳабиб Умаров қабулига бордим.

Ҳабиб ота баланд бўйли, буғдой ранг, қош-кўзи қора, сочлари жингалак, манглайи кенг, қўллари узун, барваста ва салобатли одам экан. У киши ўрнидан туриб, икковимиз билан ҳам қўл бериб кўришди. Ўтиришга таклиф этди. Кейин аммадан қаерда ишлашларини сўради.

— Йигирма тўртинчи ўрта мактабда тарих ўқитувчисиман, — дедилар аммам, кейин мен ҳақимда гапира бошладилар. — Бу бола менинг катта акамнинг ёлғиз ўғли, тўрт ойлигида отаси дунёдан ўтган. Жуман акам урушда қон кечиб келганди. Аварияга учради. Жиянимнинг онаси, тўрт опаси бор. Ҳалол меҳнатлари учун онаси депутатликка сайланган, орден-медаллар олганлар.

Ҳабиб ота бу гапларни илгари Душан акадан ҳам эшитган шекилли, ҳаммасидан хабардор эканликларини айтдилар. Кейин аммам у кишидан менга ёрдам бериб туришни сўрадилар.

— Ҳаммаси ўзига боғлиқ, — деди Ҳабиб ота Умаров, — аъло ўқиса, тинмай изланса, яхши ёзса келажақда етук ижодкор, катта шоир бўлиб кетиши ҳеч гапмас.

Сўнгра менга газета-журналларни, болаларбоп китобларни, айниқса, “Тонг юлдузи” газетаси, “Гулхан” журналининг бирорта сонини қолдирмай ўқиб боришни маслаҳат бердилар. Муаллифлар номларини эсдан чиқармаслик, шу кишиларнинг яна қандай асарлари чиқаётганини кузатиб бориш, қайси китоблар мазмунлироқ чиққанига эътибор беришни тайинлади. Мен у кишига қўлимдаги варақни узатдим.

— Янги шеърми, — деб сўради қўлига оларкан, қўшиб қўйди, — кейин ўқиб чиқиб чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Шу тариқа Ҳабиб Умаров билан танишиб олдим. Шеърим газетанинг туман ўқитувчиларининг август кенгашига бағишланган сонидан эълон қилинди.

## 2. ОҚ ЙЎЛ

Ўша йиллари газета таҳририятида Ҳақим Нишонов деган суратчи мухбир ишларди. Ҳабиб ака у кишига мени суратга олишни тайинладилар. Кейин “Дастийрман”, “Булбулча”, “Булоқ”, “Одоблидир Аскаржон” сингари шеърларим таҳрирдан чиқарилиб суратим билан “Меҳнат байроғи”нинг тўртинчи бетида у кишининг “Оқ йўл сенга, Бахтиёр” деган тилаклари билан чиқди. Унда мана бу жумлалар бор эди: “Ким билсин, балки Бахтиёр она-Ватан, қаҳрамон халқимизни мадҳ этувчи шоир бўлиб етишар. Ахир, ёшлар орзу-умидларининг баланд парвоз этиши учун бизнинг мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё-ку”. Булар мени нақадар руҳлантириб юборганини тасаввур этолмайсиз. Бу ўсмирлик йилларимдан

илиқ хотирадир.

Шу тариқа Саримсоқ Шайзоқов, Абдуҳамид Сарибоев, Ҳайдар Худойқулов, Жуман Турдиев, Олламурад Норбоев, Юсуф Қудратов, Парда Тожий, Мели Ҳакимов, Турғун Тоштемиров, Алибой Эргашев сингари ижодкорлар, туман миқёсидаги мафкура фаоллари билан яқиндан танишдим. Ҳозир улардан айримлари аллақачон дунёдан ўтиб кетишди.

Ўша йили Ҳабиб Умарий тавсияси ва онажоним пиллачиликдан олган даромадлар ҳисобидан “Артек” пионерлар оромгоҳида йигирма тўрт кун дам олишга муяссар бўлдим. У ерга турли мамлакатлардан ўқувчи-ўсмирлар дам олгани келишаркан. Ҳордиқ ёзиб қайтгач, бу тўғрида бир неча мақолалар ёздим. Одамлар орасида албатта, қитмирлари ҳам бўларкан. Ҳабиб отанинг тенгдош-қуролдош дўстларидан бири шундай деярмиш:

— Бу болани нега бунча кўтар-кўтар қиласан?

— Сенинг неча пуллик ишинг бор? — дебди Ҳабиб ота аччиқланиб.

Бировга холисона ёрдам кўрсатиш, меҳнатини юзага чиқариш осон эмас. Ёзувчи Хайридин Султонов ўз ҳикояларидан бирида шундай ёзади: “Одамга куйлагининг кири оғирлик қилса-ю, яна бошқа бировнинг ташвишини елкага қандай кўтарсин?!”

Ҳабиб ота Умаров майда-чуйда гаплардан қатъий назар мендан ёрдами, маслаҳатларини аямаган. Чунки у киши икир-чикирлардан бир неча поғона баланд турарди. Шунинг учун ҳам, мен у кишининг номи катта ҳарфлар билан ёзиладиган инсон деб санайман. Ҳабиб ота аллақачон дорулфанодан дорулбақога ўтиб кетган бўлсаларда, у кишига ҳурматим, эътиқодим заррача сусаймаган.

### 3. ЖЎЯЛИ ТАНҚИД

Ҳабиб Умарий гарчи мени хуш кўрсада, баъзан аёвсиз танқид қилардилар. Бир гал ғалла ўрим-йиғими даврида таҳририятга “Комбайнерга” сарлавҳали шеъримни кўтариб бордим. Унда ҳудудини кўз илғамас, шамолда чайқалиб турган ғаллазорларни гўёки тўлқинли денгизга қиёслабман. Қаҳрамонларимни “Бугун комбайнернинг чехраси гулгун”, деб

таърифлабман. Мазкур шеърим устозимга унчалик маъқул тушмади. У киши курси суянчигига ўзларини ташлаб, чуқур нафас оларканлар қошларини чимириб сўз бошладилар:

— Шеърда ҳар бир сўз дилдан отилиб чиқиши, тасвир табиий бўлмоғи лозим. Балки ғаллазорлар денгиз тўлқинига ўхшамас, бу китобий бўлиши мумкин. Бошоқ тортиб етилган буғдойзорлар олтин рангида товланиб, шамолларда чайқалиб ётгандир. Буларни шоирнинг ўзи далаларга бориб, ўз кўзи билан кўриши, дилдан ҳис этиши керак. Балки уларни йиғиштираётган комбайнчиларнинг юзларида ташвиш аломатлари ошгандир. Улар жонларини жабборга бериб терлаб-пишиб ишлашаётгандир. Чехралари гулгунлигини улар ўз меҳнатларидан мамнун бўлиб, офтоб тигида эмас, балки комбайн соясида ҳазил мутойибани авжга чиқарган, шу тариқа ҳордиқ ёзаётган дамларида кўриш мумкиндир. Буларни эса фақат далага чиқиб, улар орасида бўлганларгина ҳис этадилар. Шундагина барчаси табиий чиқади, ўқувчига зумда бориб етади. Сира мавсумий шоир бўлмаслик керак. Тор мушоҳада билан етук инсон бўлиш, ижодкорга айланиш мумкин эмас.

Устознинг бу гапларидан кейин таҳририятга бўлар-бўлмаста боравермайдиган бўлдим. Аксинча ҳар бир масалани атрофлича мулоҳаза қиладиган бўлдим. Бир куни таҳририят ходимларидан Ҳайдар Худойқулов мени излаб келиб қолдилар ва нега кўринмай қолганимни, Ҳабиб ака суриштираётганларини билдирдилар. Улар назаримда, мени ранжиб қолган деб санашган кўринади. Бу эътибор мени яна бир бор руҳлантириб, матбуотга иштиёқимни оширди.

#### 4. БИР ШЕЪР ТАҲРИРИ

Ҳабиб Умарий шеърни чуқур тушуниб, таҳрир этарди. Шеър кучини янада дадиллаштириб, баъзан, унинг хулоса қисмига ўз фикрларини қўшиб юбориб, бутунлай янгича маъно касб эттирар, муаллиф эса бундан хурсанд бўлса бўлардики, ранжимасди. Бир куни у кишига “Булут” деган шеъримни олиб бордим. Унда кўм-кўк осмонни булут қоплаб олиб, ерга қараб қовоқ солаётганини, кулранг ва қора булутлар биргалашиб ёмғир ёғдиришмоқчи эканини, лекин ҳали далада ҳосил мўл, мевалар фарқ пишган, энди ёмғир ёғса, ҳосилга талофат

етишини тасвирлагандим. Хулоса қисмида ёмғирни ёғдирмай туришни, деҳқонлар, боғбонлар ҳосилни жамлаб олгунларича кутишни табиатдан ўтиниб, илтижо қилиб сўрагандим. Ҳақиқатан ҳам ёз ёмғиридан кейин мевали дарахтлар, томорқа экинларини шира босиб, ҳосил бузилади. Қишлоқи бир ўсмирнинг фикри яна қандай бўлиши мумкин!

Орадан кўп ўтмай ушбу шеърим газетада босилди. Унинг якуний қисми қуйидагича берилганди:

*Тўхта, булут, ёмғиринг тўкма!*

*Боғда токнинг қаддини букма!*

*Вақт келади, сени жиловлаб,*

*Ужар булут, йўлга соламиз.*

*Шунда, қачон керак бўлсанг сен,*

*Ёмғирингдан фойдаланамиз!*

Кўраяпсиз, инсон олий мавжудотлиги, нақадар буюклиги, кўп ишларга қодирлиги кўз-кўз этилмоқда бу сатрларда. Шоирлар ва ёзувчилар замонадан анча олдинда юрадилар, деган фикрга мен ўшанда ишонганман. Негаки, ўша вақтлари фанда тўйинган булутларни тарқатиб юбориш хусусида фаразларгина бор эди, холос. Ҳабиб Умарий эса бу фаразларни тўла ҳақиқатга айлантириб, шеърга қўшиб юборганди.

2000 йилнинг Навруз байрами куни об-ҳавосини маълумотлардан олдиндан билардикки, барча вилоятларда ёмғир ёғарди. Ўша куни бутун Марказий Осиёда осмон булутли бўлгани ҳолда Тошкентда қуёш чарақлаб турар, Президентимиз, республика ҳукумати аъзолари, оқсоқоллар, халқ вакиллари, санъаткорлар — ҳамма-ҳамманинг юзидан нур балқирди. Чиройли безатилган майдонда яйраб-кулиб байрам концертини томоша қилишарди. Бу ҳолдан ҳайрон қолиб, ўша куниёқ Тошкентда яшайдиган дўстларимдан бирига кўнғироқ қилиб, бунинг боисини сўрадим:

— Сизларда осмон булутли эмасми? Ёки телевизор бизларни алдаяптими? Ё байрамни кеча ўтказишиб, бугун эфирга узатишаяптими?

— Йў-ў-уқ! — деди қадрдон дўстим менинг роса таажжубланаётганимни билиб. — Байрам тантаналари бошланишидан 2 — 3 соат илгари тегишли воситалар орқали фақат Тошкентдагина мана шундай чароғон об-ҳаво



таъминланди!

Шунда мен Ҳабиб Умарийнинг бундан ўттиз икки йил илгари хаёлига нима келганлигини англадим. Назаримда, у кишида Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шухрат, Ҳамид Фулом, Миртемирлар даражасидагидек иқтидор мавжуд эди. Шеърларни жони-дили билан, бутун меҳрини бериб, бағри кенглигини, алломалигини қўшиб таҳрир қиларди.

Бир куни телевизорда шоир Абдулла Шер Асқад Мухтор ва Миртемирни хотирлай туриб шундай деганди: “Домла шеърни шундай таҳрир қилардиларки, у киши қалам теккизганидан сўнг, шимолга қараб турган шеър, ўз-ўзидан жануб томонга бурилиб қоларди. Миртемир ҳам катта шоир бўлгани, бошқаларнинг ёзганини обдан таҳрир қилгани ҳолда, таҳририятимизга шеър берсалар, албатта Асқад Мухторнинг қалам уришларини илтимос қилардилар. Ўта камтар, ишонувчан, ихлосманд, бағрикенг инсонлар эдилар уларнинг икковлари ҳам”.

Ҳабиб Умарийда ҳам ана шундай фазилатлар мужассам эди. Фақат, тақдири азал деган тушунча борки, ҳаёт синовлари, турмуш муаммолари у кишининг кетма-кет китоблар чоп эттириб, бутун Ўзбекистонга танилиб кетишига имкон бермади. Мустабидлик давридаги ички зиддиятлар, руҳий қарама-қаршилиқлар, Сталин даври даҳшатларини ўз кўзи билан кўрганлиги бор овози билан яйраб ижод қилишига кўпинча тўсиқ бўларди. Қолаверса, бу киши давлат хавфсизлик органларида анча йиллар хизмат қилиб, қўмита ишлари, ички сирларни яхши тушунганлиги учун ҳам кўпинча гунг бўлишига тўғри келарди.

Ҳабиб Умарий менга одамлар орасида, айниқса, ёлғиз қолганда табиат манзараларига бефарқ бўлмаслик, гўзал манзараларни кўрганда завқлана билиш, ҳатто тунд табиатдан ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, кўзи, қалби илғамас янгидан-янги хулосалар чиқариш зарурлиги хусусида уқтирарди. У кишининг маслаҳатлари билан она-табиатнинг турфа кўринишлари хусусида бир қатор шеърлар ёзгандим. Улар эълон қилинди ҳам. Пировардида, шундай қарама-қаршилиқлар, тўқнашувларга дуч келдимки, кўп йиллар шеър ёзишни бутунлай ташлаб кетдим.

Энди англаб турибманки, инсон табиат олдида барибир ожиз. У, фақат, маълум бир ҳудудда, маълум бир вақтгагина табиатни ўзгартириб туриши мумкин. Жамиятда ҳам шундай: ҳафсала билан бирор ишга киришганинда, қутилмаганда бошқа бир муаммо чиқиб қолади. Уни зудлик билан бажариш зарурлигини тушунасану ишга киришасан. Лекин бояги бошлаб қўйган ишинг чала қолади, қўл совийди.

Ҳабиб Умарий ҳаётида ҳам ана шундай лаҳзалар кўп бўлган. Лекин, барибир, унинг маслаҳатлари, озми-кўпми қолдирган адабий меросини ёдга олиб туриш хайрли. Чунки бу мерос эслашга, ўрганишга, қадрланишга лойиқ.

## 5. АНАТОЛИЙ ҚҶЧҚОРОВИЧ ЭЪТИРОФИ

Анатолий Қўчқоровичнинг асл исм-шарифи Турсунқул Қўчқоров. У кишидан қандай қилиб Анатолий Қўчқорович бўлиб қолгансиз деб сўраганимда, шундай жавоб бердилар:

— 1952 йили Фаллаоролдаги биринчи МТСга Иван Вакулович Теодоров деган бир инсон директор бўлиб келганди. Мен ўшанда туман қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси бўлиб ишлардим. Табиийки, иш юзасидан Иван Вакулович билан тез-тез учрашиб турардик. Бир куни долзарб масалада гаплашиб, унинг кабинетидан чиқиб кетаётсам, зарур бир рақам ёдига тушиб, мени тўхтатмоқчи бўлиб, шошилишда Турсунқул исмимни унутиб, “Анатолий Кучкарович, подажди!” деб юборди Иван Вакулович. Мен бурилиб унинг гапига қулоқ солдим. Бироқ нега исмимни “Анатолий” деб айтдингиз дея эътироз билдирмадим. Бу тадбиркор одамнинг шундай муомила қилгани ҳатто ёқимли туюлиб кетди. Шундан сўнг ҳам Иван Вакулович ўзи қўйган исми туман миқёсидаги мажлисларда бир-икки бор айтиб юборганди, қолган раҳбарлар менга Анатолий Қўчқорович деб мурожаат қиладиган бўлишди. Бунга бора-бора кўникиб кетдим.

Хуллас, Турсунқул Қўчқоров қатор йиллар Фаллаорол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, жамоа хўжалиги раиси, матлубот жамиятининг раиси, 1966 йилдан то 1996 йилгача, қарийб ўттиз йил Фаллаорол деҳқон бозори директори бўлиб ишлаган. У кишининг хотираси жуда тиниқ, одамлар тўғрисида, бўлиб ўтган воқеаларни худди куни кеча қўргандек гапириб

беради. У кишини тирик архив дейсиз. Туманлар, вилоятлар, республика оқсоқолларидан кўплари, ҳозирги айрим фаоллар ҳам Анатолий Кучқорович десангиз у кишини яхши танишади.

– Сиз Ҳабиб Умаров деган шоир ва педагогни танирмидингиз? – деб сўрадим у кишидан бир куни.

– Таниганда қандоқ! Мен Ҳабибни Сарбозордаги болалар мактаб-интернатига келган давридан биламан. Биз Ҳабиб билан бир йилда туғилганмиз. Тенгдошларгина эмас, сафдош, дўст эдик. Қайси вазифада ишламайин, ҳамиша ва ҳар ерда Ҳабибнинг ҳурматини жойига қўйганман. Унинг дилини ҳеч қачон ранжитмаганман.

Ҳабиб 1947 йил кўкламида ҳарбий хизматдан қайтди, унда шоирлик иқтидори борлиги маълум бўлиб қолди. Ўша йилиёқ Самарқандга жўнаб университетнинг филология факультетига ҳужжат топширди. Шеърлари вилоят ҳамда республика матбуотида тез-тез босилиб турарди. Ҳабиб ўқишни битирмасданоқ давлат хавфсизлик хизматига ишга чақирилди ва 1954 йилгача шу соҳада – Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Тошкент вилоятларида ишлаб юрди. Фаллаоролга қайтиб келгач уйланди, бирин-кетин фарзандлари дунёга келди, улар беш нафарга етишганини биламан.

Ҳабиб Умаров шоирлик ва педагогликни қўшиб олиб борарди. Ҳам мактабда, ҳам газета таҳририятида ишларди. Эгаллаган асосий касби бўйича ўқитувчилик қиларди. Шоирлик ва журналистликни уддаларди. Мактаб директори бўлиб ҳам анча йиллар ишлаган.

Мазмунли суҳбати учун Анатолий Кучқоровичга миннатдорчилик билдирдим. Ҳангомамиз сўнггида у киши қуйидагиларни айтди:

– Ҳабибнинг қулоғи оғирлашиб қолгани учун, шу касаллиги туфайли ёши етмасдан уч йил илгари нафақага чиқди. Кейинроқ бутунлай эшитмай қолди. У киши ҳамиша чўнтагида блокнот ва қалам олиб юрарди. Кимки мурожаат қилса, у одам билан ёзув воситасида гаплашарди. Лекин, Ҳабиб, бир кун бўлса ҳам ётиб қолган эмас. Бировнинг кўмагига сира муҳтожлик сезмаган. Вафотидан уч кун илгари кўрганымда ўз оёғида юрганди. Парвардигорим ҳар бандасига шундай ўлим ато этса қанийди.

## 6. БИРИНЧИ КОТИБНИНГ ҚАБУЛИ

Ҳабиб Умарий жанговар шоир бўлган. Бировдан истиҳола қилиш ёки чўчишни ҳаёлига келтирмаган. Бир куни газетада унинг “Бир амалдор ошнамга” деган шеъри босилиб чиқади. Ўшанда 1956 йилнинг айни ёз палласи. Шеърни ўқиган Ғаллаорол туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби Абдуҳолиқ Каримов шоирни тушликка таклиф этибди.

Бу маросимга бир шеър сабаб бўлганди. Фикрни яхшироқ етказиш учун аввал ўша асарни айнан келтирсак, мақсадимизни тушуниш осон кечса керак.

*Амалдор бўлди-ю ўзин йўқотди,  
Яхши фазилатин ташлади, отди.  
Кибру ҳаволарга беланди, ботди,  
Манманлик тафтида суяги қотди.*

*Унга хуш ёқади таъзим, тавозе,  
Бошлиқ деб қилсалар роса овоза.  
Текин паловлару пишса кабоблар,  
Орада бўлмаса асло нобоблар.*

*Эл берган амалдан кўзи хирадир,  
Фойдали иш қилмас, асло, сира бир.  
Қуруқ гердаяди, савлатин тўкиб,  
Столда ўтирар бекорга бўкиб.*

*Эй ошнам, оч кўзинг, ишлагин ҳалол,  
Бу аччиқ сўзларим келмасин малол.  
Амални пеш қилма, атрофга боққин,  
Кеккайиш одатинг ўтларга ёққин.*

*Гар оқлай олмасанг эл-юрт ишончин,  
Кўзингни лўқ қилиб туришинг нечун?  
Яхшиси тезда сен меҳнатга қайтгин,  
Аъло хулқ, хислатга қалбни бойитгин.*

Бу шеър барча амалдорларга қаттиқ текканди, албатта. Шундай бўлсада, Абдуҳолиқ Каримов, Ғаллаорол туман Кенгаши ижроқўмининг ўша вақтдаги раиси Қодир Мирзаев, шоир Ҳабиб Умарий у ёқ-бу ёқдан суҳбат қуришиб, қуюқ-

суюқларни тановул қилиб бўлганларидан сўнг Абдухолиқ Каримов чой устида шундай дебди:

— Бу, дейман, Ҳабиб Умарий “Бир амалдор ошнамга” шеърингизда раҳбарларни роса бошлаб танқид остига олибсиз-ку!

Ҳабиб Умарий индамай ўтираверди. Шоирни бу ҳолда кўрган Абдухолиқ Каримов сўзини давом эттирди:

— Майли, бу бизларга тегишли эмас. Тўғрими, Қодир Мирзаев? Кўпроқ биздан кўра қуйроқ лавозим эгаллаган раҳбарларга тегишли бу. Сиз эса бошингизни баланд кўтариб, бундан ҳам ўткирроқ шеърлар, мақолалар ёзаверинг! Иш ёқмас, дангаса, столида бўкиб ўтирган амалдорларни аёвсиз танқид остига олаверинг!

Ҳабиб Умарийга ана шундай сўзларни айтган бағри кенг, меҳрибон Абдухолиқ Каримов кейинроқ янада юқори лавозимларни эгаллади. Анча йиллар Самарқандда вилоят партия кўмитасида котиб бўлди. Сурхондарё вилоятида биринчи котиб сифатида тўққиз йил ишлади. Фақат Шароф Рашидов вафотидан сўнггина кўплар қатори тазйиққа учраб вазифасидан четлаштирилди, ҳибсга олинди, ўта оғир ҳақоратларни бошдан кечирди. Гарчи жазодан озод қилинган бўлсада, кейинча саломатлиги панд бериб кутилмаганда вафот этди. У кишининг номида ҳозирда Термиз шаҳрида Абдухолиқ Каримов номидаги болалар хиёбони ташкил этилган.

Ҳабиб Умарий ҳам ижод қилишда ҳаётий қийинчиликлардан кўрқмаган, олдинга интилишдан тўхтаган эмас. Унинг “Газета мухбирининг деганлари” шеъри Абдулла Қодирий ташкил этган, ўша даврда жуда долзарб ва долғали саналган “Муштум” журналида босилиб чиқади. Ушбу шеърни келтириб ўтсак, фойдадан холи бўлмасди.

*Танишайлик, эй, муҳтарам,  
Газетхонлар, менга қаранг.  
Номим “Туртки”, сатираман,  
Илинганни қотираман.  
Ўта насткаш, жоҳил, қолоқ,  
Эй, фитначи, узун қулоқ,  
Текинхурлар, дангасалар,  
Мумай пулли, кенг киссалар,  
“Туртки” учун барчанг нишон,*

Шафқатсизман, қаттиқ ишон.  
Ичкиликнинг ошнолари,  
“Яримта”нинг ташналари,  
“Юз грамм”нинг гадо, зори,  
Дилозори, эй, безори.  
Қилмишинга чуқур ўйгин,  
Мен “Туртки”ман, билиб қўйгин.  
Лаганбардор, сохта қилиқ,  
Бошлиғинга бўлиб “илик”,  
Хушомадни дўндирасан,  
Найранг-ла иш ундирасан.  
Эй, фирибгар, чиққай мисинг,  
“Туртки” топгай доим изинг.  
Алиментчи, учарлар ҳам,  
Товламачи, ўжарлар ҳам,  
Тор почали шим кийганлар,  
Элдан ажраб шумшайганлар.  
Тузоғимга илингайсиз,  
Юртга ошкор билингайсиз.  
Олиб сотар, ҳаром томоқ,  
Эй, виждонсиз, қалби ямоқ,  
Сассиқ алаф шумғиялар,  
Анонимчи, кир миялар,  
“Туртки” ерсан, кетолмассан,  
Ғазабга тоб этолмассан.  
Доим пардозу андозлар,  
Нозу карашма таннозлар,  
Юзин кремга ювганлар,  
Мода кетидан қувганлар,  
“Туртки” тегиб бўлма хижил,  
Чирою бахт меҳнатда бил.  
Шу тип зотлар асло бизда,  
Учрамасин даврамизда..  
Мен хизматда меҳнаткашга,  
Таъзим ила кекса-ёшга,  
Хатингизни кутар “Туртки”,  
Сатирасин тутар “Туртки”.

Ҳабиб Умарийнинг “Учраб қолади” шеърисида ҳам маиший

турмушнинг айрим жиҳатлари нозик ифодаланган.

## 7. “КВН” ЎЙНАГАНИМИЗ

Ўзимизга яқин мактабда саккиз йиллик маълумот олганимдан сўнг 24-ўрта мактабнинг тўққизинчи синфига боришим лозим эди. Лекин бобом: “Аммангга қарайсан ва ўша ерда ўқийсан” деганлари учун туман марказига келганман ва 44-ўрта мактабда ўқий бошлаганман. Янги синфдошларим илгари мени кўрмаган бўлсаларда, орқаваротдан билишаркан, исми-шарифимни газета орқали ўқишган экан. Тез орада улар билан танишиб, тил топишиб кетдим.

Биринчи куниеъ мактабда Ҳабиб Умарийга дуч келдим. У киши она тили ва адабиёти фанидан сабоқ берарди. Ҳуснихатга, бехато ёзишга алоҳида эътибор қаратар, ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини тушунтиришда шундай услубларни қўллардиларки, бизда, худди домла ўша ёзувчи-шоирларни шахсан кўргандек, суҳбатлашгандек, асарини қандай ёзганига гувоҳ бўлганидек таассуротлар қоларди.

Бир кун тарих фани ўқитувчимиз Дониш Алиқулов дарс пайтида:

– КВН нималигини биласизларми? – деб сўраб қолдилар.

Фарҳод ҳаммадан олдин қўл кўтарди. Унга сўз берилди.

– КВН, бу – қисқартирилган атама, яъни сўзларнинг бош ҳарфлари. Бунинг очиқчаси рус тилида “клуб весёлых и находчивых”, ўзбекчасига “қувноқлар ва зукколар клуби” деганидир, – деди у.

– Тўғри. Яна ким тўлдиради?

– Мен.

– Марҳамат!

– КВНда ёшларнинг икки ёки бир неча клублари, командалари иштирок этишиб, ўзаро куч синашишлари, мусобақалаштишлари мумкин. Уларнинг ҳар бир шарт бўйича жавобларини сайлаб қўйилган ҳайъат аъзолари баҳолаб боришади.

– Тўғри. Сизлар ҳам қўшни мактабнинг тўққизинчи синфи билан КВН ўйнайсизларми?

– Албатта ўйнаймиз! – деб юборибман бутун синф номидан.

– Лекин қайси мавзуда?

– Худди шу ўтаётганимиз – “ Россияда фуқаролар уруши” мавзусида.

Тарихдан тузукроқ ўқиганим учунми ёки матбуотда тез-тез чиқишлар қилиб турганим учунми домланинг таклифи билан бир овоздан жамоа сардори этиб сайландим.

Мустабид тузум тарих дарсликларида мазкур мавзу анча кенг, қизиқарли ҳикоя қилинганди. Унга алоҳида боб ажратилганди. Колчак, Деникин, Врангел, Юденич ва шу сингари оқ гвардиячилар бошлиқлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари эса қоларли этиб баён қилинганди.

Буни қарангки, истиқлол шарофати билан тарих китоблари, дарсликлар ислоҳ қилинди. Бу соҳа мутахассислари зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланди. Шу туфайли Шукур Холмирзаевнинг “Эсиз, Эшниёз”, “Абдулла Набиев”, Фозилбек Отабек ўғлининг “Дукчи эшон”, Алишер Ибодиновнинг “Курбоши Мадаминбек” ва бошқа ўнлаб китобларни ўқишга муяссар бўлдик. Ҳозирча эса ўша даврларни қисқа, мазмунли, қизиқарли даражада ёритиб берадиган тарих китобларига, дарсликларига муҳтожмиз. Назаримда, ҳали музейларда, архивларда, форларда, мадраса-ю масжидларда, мақбара-ю хилхоналарда қилинадиган ишларимиз кўп.

Шундай қилиб биз – 1972 йилни кутиб олдик. Рақиб жамоага бериладиган йигирмата саволни ўқитувчимиз ёрдамида мукамал ўргандик. Айни пайтда, улар берадиган саволларга тўлақонли жавоб қайтариш учун дарсликдан ташқари бошқа китобларни, рисоаларни титиб кўришга тўғри келди. Бизнинг КВН ўйнамоқчи бўлаётганимизга барча ўқитувчиларимиз қизиқсиниб юришарди.

Ўшанда мен нариги мактабда ўқийдиган Моҳитоб исмли қизни ўсмирлик туйғуларим билан ўзимча яхши кўриб юрардим. Бир куни кечқурун китоб сўраш баҳонасида дабдурустдан уларникига қўнғироқ қилибман.

– Сизларда жамоа сардори ким? – деб сўради у суҳбатимиз сўнггида.

– Сардор ўзимман! – дедим худди унинг эътиборини қозонмоқчидай.

Орадан бир кун ўтгач Ҳабиб Умарий адабиёт дарсига кирди.

– Афсус... – деди у киши дарс охирлаб қолганда ўрнидан



туриб синфга кўз югуртираркан. — Нариги мактабнинг ўқувчилари сизларда жамоа сардори ким эканини билиб қўйишибди...

Мен шунда Моҳитобнинг буни синфдошларига айтганини англадим. Домланинг гапи эса худди устимдан бир челақ совуқ сув ағдаргандек туюлди. Ўқитувчимиз синфдан чиқиб кетгандан сўнг ҳам ўрнимдан туролмай қолгандим.

Бу гапни Ҳабиб отадан бошқа бирор ўқитувчи айтмади. Ҳаммаси келишилганидек қолди. Февралнинг бошида КВН бўлди. Бизнинг жамоа 25:24 ҳисобида ютқазди. Шу тариқа Моҳитобларникига бошқа қўнғирок қилмай кетдим. Ҳабиб Умаров ҳам бу гапни иккинчи бор тилга олмади. Энди ўйласам, у киши ўқувчиларга ҳадеб танбеҳ беришдан тийилар, ўзи хулоса чиқариб олишига ундаркан.

## 8. ҒЎЗА ЧОПИҒИДА

Ҳабиб домланинг ёшлари улғайиб қолган бўлсада, мактаб маъмурияти томонидан бериладиган топшириқларини қулоқ қоқмай бажарардилар. Ўшанда сўнги қўнғирок чалиниб, ўқув йили яқунланганига ҳам бир неча кун бўлганди. Биз давлат имтиҳонларига ҳозирлик қўра бошлагандик. Биринчи бўлиб иншо ёзишимиз зарур эди. Эртага имтиҳон деган кун и бутун синф билан мактабга консультацияга борсак, директор Келдиёр Тошқулов ҳаммамизни мактаб олдидаги куюқ дарахтлар соясига линейкага тўплади. Ўқитувчимиз ҳам шу ерда эди.

— Ҳабиб ака, бугун битирувчиларни, ўзингиз бош бўлиб Аламлига ғўза чопиғига олиб чиқсангиз, — деди директор. — Кечаси юқоридан шу топшириқ бўлди. Тошбойнинг даласини ўт босибди. Қолаверса, ҳали айрим карталари ягана қилинмаган экан. Ўқувчилар оз-моз ҳашар бўлишсин дейилди.

— Ҳа, пахта сиёсати олдида давлат имтиҳони нима бўлибди, — деди Ҳабиб Умарович кесатиб. — Борсак бораверамизда...

Кейин бизга кетмончалар, умуман, ғўза чопиғига зарур яроғларни олиб, тезликда мактабга етиб келишимизни, ўзи шу ерда кутиб туришини, кун қизиб кетмай далада бўлишимиз лозимлигини тайинлаб жавоб берди. Биз домланинг айтгани бўйича иш тутдик.

Ўша йиллари ҳозирги ғўзал ва баҳаво Аламли гузари ўрнида

нукул пахта экиларди. Кенг пахтазорнинг шимолий қисмида беш-олтита ҳовли бор эди, холос. Бу ерлар хўжаликка қарашли бўлиб, унинг Тошбой деган талабчан бригадири бўларди. Дала бошида бизларни ўша одам кутиб олди.

– Домла, йўлдан кўриниб турадиган чекка қаторларга аввал қиз болаларни туширсак, – деди бригадир салом-аликдан сўнг.  
– Уларнинг ишлари анча пишиқ бўлади-да.

– Маъкул, – деди устозимиз.

Қизлар навбатма-навбат эгатларга туша бошладилар. Биз, ўғил болалар, домланинг кетидан юриб, кейинги қаторларга тушдик. Қуёш тобора тиккага келар, қиздирсандан қиздирар, қўлимиз ишда, оғзимиз ҳангомада бўлиб, анча жойга бориб қўйгандик. Ҳабиб Умарович эса ўқариқ ёқалаб юрар, ишлаётганимизни узоқроқдан кузатарди. Бизлар эртага иншо ёзаётганимизда ёрдами тегади, домлани ранжитиб қўймайлик деб, баримиз астойдил ишлаётгандик. Тошбой ака қаттиқ назорат қилиб, “Мана бу эгатни нега ягана қилмадинг, мана бу ерда бегона ўт қолиб кетибди”, деб айримларимизни ўн-ўн беш қадам орқага қайтарарди. Бригадир даласининг яхши тозаланишига, ишнинг сифатли бажарилишига ишқивоз, биз эса ишни эртароқ тугаллаш куйида шошилиб, эътиборсизликка йўл қўяётгандик.

Бора-бора қувноқлик ўрнини толиқиш, сувга ташналик эгаллай бошлади. Иш ниҳоясига етай деб қолганда, ёввойи ўт билан ёнма-ён ўсган бир туп гўзани беҳосдан чопиб юбордим ва буни бригадир кўриб қолди. Аксига шу жойда туплар сийракроқ экан, қилди қиёматни.

– Ҳой, сен боланинг кўзинг қаёқда?! Кўзми бу ёки пўстакнинг йиртиғи? Дўстмисан, дўшманмисан?..

Бригадир хезланиб мен томон келарди. Оргимга чекиндим. Шовқин-сўронни эшитган домла тезда етиб келиб, қатъият билан:

– Бўлди қил, Тошбой! – деди, акс ҳолда у шапалоқ тортиб юбориши турган гап эди.

Бригадирнинг попуғи пасайди. Бурилиб кетаркан валдирашда давом этарди:

– Сиздака домлани қаранг. Болага ҳар туп гўзани кўз қорачиғидай сақла дейиш ўрнига қанақа тарбия бераяпсиз?

Юқорига айтсам-ку...

— Айтсанг айтақол! — деди домла ғазабланиб. — Ундан каттароғига айт! Бу — сенинг ҳашарга чиққан болаларга, менга айтган раҳматинг бўлади!

Айб ўзимда. Шу топда домла бирор нарса деб танбеҳ берганида, анча енгил тортардим. Лекин у киши ҳеч нима демади. Орқасига қайрилиб қарамай кетди. Ҳашарни тугатдик. Иш куролларимизни олиб домланинг ортидан эргашдик...

## 9. У САНГЗОР ОШИҒИ ЭДИ

Ҳабиб Умаровнинг китобида “У Сангзор ошиғи эди” деган бир шеър бор. У адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат педагогика институтида кўп йиллар ректор бўлиб фаолият кўрсатган Ориф Икромов хотирасига бағишланган. Шу сабаб мен ҳам ана шу инсон ҳақида тўхталишга, шулар билан боғлиқ хотираларни, у киши тўғрисида суриштирганларимни баён этишга ҳаракат қилмоқчиман.

...Бир куни Жиззах шаҳар Сулоқли маҳалласидаги 13-ўрта мактабда қарийб ўттиз икки йил директорлик қилган Муртазоқул Анорбоев билан бир даврада ўтирганимизда у Ориф Икромов ёзган, қуйидаги сатрлар билан бошланадиган шеърни ўқиди:

*Толеимдан ўргилай,  
Шу Ватан фарзандиман.  
Бахти кулган озод элнинг  
Бахтиёр дилбандиман...*

Эртасига домладан агар билсангиз мана шу шеърнинг ёзилиш сабаби ҳақида гапириб берсангиз, деб сўрадим. Домла аввал мийиғида кулиб, айтсамми-айтмасамми дегандай ўйланиб турди-да сўнг шундай ҳикоя бошлади:

— Ориф Икромов оташин ватанпарвар ва миллатпарвар эди. Миллатчи ва миллатпарастларни ёмон кўрарди. Ахир, у Ҳамид Олимжондай инсоннинг жиянларидан эди-да. Билсангиз керак, баъзи сабабларга кўра, Алишер Навоийнинг 525 йиллиги икки йил кечикиб, 1968 йилда нишонланди. Ўшанда Ориф Икромов Қарши педагогика институти ректорлигидан Самарқанд педагогика институтига ректор бўлиб келганига

эндигина бир йил бўлганди. Навоий бобомизнинг юбилейига бағишланган тантанали йиғилишдан сўнг домлалар шаҳардаги энг яхши ресторанлардан бирига боришди. Яхшигина кайфу-сафо билан улар бирин-кетин Навоийнинг туркийда ва форсийда ёзилган ғазалларидан ўқиб, гўёки адабий мусобақа бошлашганди. Шунда домлалардан бири тожикчалаб: “Ўзбеклар Навоийни чуқур тушунишмайди. Уларнинг ота-боболари кўчманчи чорвадорларда” деди. Унинг гапига кулгу кўтарилди. Ориф Икромов гап нима тўғрисида эканлигини фаҳмлаб ўрнидан сапчиб турди-да, шахдам юриб бориб, ҳалиги домлалар ўтирган столларнинг қиррасидан ушлаб, бирин-кетин уларнинг устига ағдариб юбора бошлади. Ола-ғовур кўтарилди. Эгни-бошларига шаробу-салатлар, таомларнинг қолдиқлари тўкилган домлалар тум-тарақай бўлиб, ресторандан қочиб чиқдилар...

Биз хизматда эдик. Уларнинг аҳволига кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасдик. Ориф Икромовни зўрға тинчлантирдик. Шу кеча Ориф Икромов уйига қайтганидан сўнг мазкур шеърни ёзган.

Воқеанинг давоми бундай бўлибди. Эртасига уч-тўрт киши Ориф Икромов хузурига келишиб, узр сўрашибди ва зиёфат бошлашмоқчи эканликларини билдиришибди. Орифжон эса “бўпти, кечирдим” дегану ишларим кўп деб зиёфатга бормаган. Ана шу шеър унинг китоби “Гул табассуми” да бор.

Ғаллаоролдаги 44-ўрта мактаб директори Қўниш Тўхтамишевнинг ҳикоя қилишича, Ориф Икромовнинг Ваҳоб Эгамов, Исомиддин Салоҳиддинов, Сайдулла Мирзаев, Юсуф Пўлатов, Равшан Холмуродов сингари кўплаб сафдошлари ва дўстлари бор эди. Уларнинг барчаси тилшунослик, адабиётшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришган, энг камида фан номзоди ёки фан докторлари бўлишган. Шогирдларидан бири Иноятулло Сувонкулов Фарангистоннинг фахрий академиги бўлди. Ориф Икромов “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганди. “Амин Умарий” (1964), “Парда Турсун” (1967), “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон” (1973) илмий рисоалари, “Гул табассуми” (1970) шеърлар тўпламини нашр эттирган.

Мен Ориф Икромовни биринчи марта 1970 йилнинг кўкламида Ҳамид Олимжоннинг 60 йиллигига бағишлаб

ўтказилган тантаналарда кўрганман. Ғаллаоролдаги кинотеатр зали чиройли безатилган, Ҳамид Олимжоннинг улкан портрети тагига “Шодлик ва бахт куйчиси ҳамиша барҳаёт” деган ёзувли лавҳа илиб қўйилган, минбар олдида саватларда гулдасталар мавжуд, чап томонда минбар, ҳамманинг кўкрагига “Ҳамид Олимжон 60 ёшда” нишони тақилган, барчага туман газетасининг улуғ шоир таваллуд санасига бағишлаб чиқарилган сони тарқатилганди. Унда Ҳабиб Умарийнинг Ҳамид Олимжонга аталган каттакон шеъри ҳам эълон қилинганди.

Тантанали йиғилиш ҳайъати учун қўйилган стулларда Ориф Икромов Ҳабиб Умарий билан ёнма-ён ўтириб, алланималар тўғрисида суҳбатлашишарди. Кечагидек эсимда, мазкур йиғилишни туман раҳбари Арслон Ҳакимов бошқарганди. Ориф Икромов сўздан кейин залда гулдурас қарсақлар чалинганди. Баланд бўйли, тик қоматли, думалоқ юзли, кўзлари катта-катта, манглайи кенг, кийиниши ўзига ярашган чиройли одам экан Ориф Икромов. Яхши жиян тоғасига тортади, деганларидек, у кишининг кўриниши Ҳамид Олимжоннинг суратларда қолган аксига ўхшаб кетаркан. Кечада шоирнинг шеърлари, балладалари, поэмаларидан парчалар ўқилди, сахна асарларидан намуналар намоён этилди, шеърларига басталанган куй-кўшиқлар айтилди.

...Ориф Икромов ректор бўлган институтнинг битирувчи курсида таҳсил олаётган тўнғич опам бир кун уйга ўта тушқин, синиқ кайфиятда кириб келди.

— Суймахол, қизим, сенга нима бўлди? — деб сўради онам у ичкарига киргач.

— Домламиз... вафот этди... — деди опам ўпкаси тўлиб, кўзларидан дувиллаб ёш қуйила бошлади.

— Худо раҳмат қилсин, — юзига фотиҳа тортди онам.

Мен ҳангу-манг эдим.

— Қайси домлангиз? — деб сўрадим сабрсизлик билан.

— Ориф Икромов.

— Яхшига юрим йўқ, ёмонга ўлим, — деди онам. — Аллоҳнинг иродаси бу. Қизим, кўзларингни, юзингни юв, хафа бўлма, йиғлама...

Онам ташқарига чиқдилар. Мен опамга чой қўйдим. У илгариги келишида Ориф Икромовнинг шеърлар тўпламини

олиб келганди, буни қарангки, орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас у киши вафот этибди. Опам менга жуда катта мотам бўлганини, минг-минглаб талабалар Самарқанд кўчаларида кўз ёши тўкканларини гапириб берди. Атиги қирқ беш йил умр кўрган, шу ёшида аллома даражасига кутарилган, айна вақтда минг-минглаб талаба-ёшларнинг отасидек бўлиб қолган Ориф Икромов сингари инсонлар яна қайтиб дунёга келармикан?!

Ҳабиб Умарий “У Сангзор ошиғи эди” шеърда дўсти Ориф билан ЎзДУ бағрида илм чаманзорини бирга кезганини, оромбахш Самарқанд тонглари мушоира билан оттиришганларини, кўнгилларидаги гапларини бир-бирига айтиб сирлашганларини, дўстининг она-юртни, элни эъзозлашини, таълим-билимни баҳам кўрганларини, Ориф навқирон ёшида аллома бўлганини, айна чоғда доно, валламат эканини, Навоий даҳосини чуқур ўрганганини, машҳур фан доктори бўлганида дунёдан эрта кўз юмганини, энди қабрини бориб зиёрат айлашларини чуқур афсуслар билан баён этади.

Ўш, нега Ориф Икромов Сангзор бўйларини яхши кўрган? Ҳабиб Умарий унинг ана шу жиҳатини ҳам шеърӣ мисраларга кўчирган. Айтишларича, бундан 80–100 йиллар илгари Сангзор табиати, ҳақиқатан ҳам, гўзал ва оромбахш бўлган. Қирғоқларида дарахтзорлар, тўқайзорлар, қамишзорлар, ўтлоқлар... Тўқайларида тулкилар, ўрдаклар, турналар, чағалайлар, тустовуқларни учратиш мумкин экан. Дарё, айниқса, баҳор фаслида қирғоқларига сиғмай, тўлиб-тошиб оқарди. Ориф Икромов дўсти Ҳабиб Умарий билан бир неча бор Сангзор сувларида чўмилишган, яккам-дуккам бўлсада, қулоч етмас толлар соясида ёнбошлашиб суҳбатлар қуришган, бир бирларини фикран ва маънан бойитишган.

## 10. СУННАТУЛЛА АКАНИНГ ҲИКОЯСИ

Ҳабиб ака фарзандларига ҳамиша одамларга фақат яхшилик қилиш кераклигини насиҳат қиларди. Ҳатто, душманинга яхшилик қил, у билмаса худо билиб туради, яхшилик қилиш қўлингдан келмайдими, ёмонлик ҳам қилма дерди.

Ҳабиб аканинг фарзандлари у кишининг сўзларига амал қилишди. Лекин, вояга етиб, ҳаётда ўз ўринларини топгунларича анча қийналишди. У кишининг оиласига, ижодий фаолиятига

салбий таъсир этган нарса турмуш ўртоғидан эртароқ жудо бўлгани эди. Мархума ўпкасини кучли шамоллатиб, хасталаниб қолганди. У кишини кўп даволатишди, вилоят шифохонасига оyllаб, йиллаб қатнади. Натижа чиқмади...

Оиладаги барча қийинчилик ёш қизча Зебинисонинг зиммасига тушди. Укаларига қараш, нон ёпиш, кир ювиш, уйни, ҳовлини супуриб-сидириш, овқат тайёрлаш, бунинг устига, мактабга бориб-келиш... Оналаридан жудо бўлганларида кенжа укаси атиги икки ёшга кирганди-да, ахир. Зебинисо иродали экан, ҳаммасига чидади. Ўрта мактабни олтин медаль, Самарқанд давлат педагогика институти она тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Меҳнат фаолиятини бошлаганида ҳам, турмушга чиққанидан кейин ҳам осон бўлмади унга. Масъулиятли вазифаларда юриб, ишдан кечроқ қайтишига тўғри келганида, келин бўлиб тушган катта рўзгорда астойдил хизмат қилди.

Ҳабиб ака шу ёлғиз қизини жуда яхши кўрарди, эъзозларди. Унинг оқила бўлишини, эл орасида эътибор топишини чин юракдан истарди. Шундай бўлди ҳам. Бир куни у шундай деб қолди:

– Дадажон, шунча шеърлар ёзиб, шоир бўлиб, бирорта китоб чиқармадингиз-а?

– Майли, қизим, қурбинг етса, шеърлардан элликтасини саралаб олда, эллик нусхада чоп эттириб қўяқол. Жўраларга, сафдош-касбдошларга, фарзандларга, набираларга мендан бир эсдалик бўлса бўлди-да, – дебди нафақадаги Ҳабиб акамиз.

Ўшанда Зебинисо Ҳабибовна туман ҳокимининг муовини лавозимида ишларди. У бемалол дадасининг китобини Тошкентда чиқариш имконига эга эди. Шундай бўлсада аввал шеърлар тўпламининг қоралама нусхасини маҳаллий босмахонада, дадаси айтгандек, эллик нусхада чиқармоқчи бўлди ва китобга “Янги тонг илҳомлари” деб ном қўйди. Бу билан Зебинисо отасини хурсанд қилмоқчи, кучига-куч, соғлигига-соғлиқ қўшмоқчи эди.

Ҳабиб ака китобни кўлига олгач, ҳақиқатан, жуда хурсанд бўлди. Тумандаги айрим ҳамкасбларига, шоирларга, қариндошларига, фарзандларига дастхат ёзиб берди. Шу тариқа у Тошкентда нашр этилган тўпламини кўришга улгурмади...

## 11. ТИНЧЛИКНИ ҚАДРЛАБ...

Иккинчи ҳаҳон уруши даври Ҳабиб ота ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. Бу даврда у фронтда бўлди, икки акасидан айрилди. Ўртанчи акаси урушдан яримжон бўлиб қайтганидан сўнг, бирикки йил яшамай, ҳаётдан кўз юмди. Тўнғич акаси Ҳамид эса урушга учта фарзандли бўлиб, ўттиз бир ёшга тўлган пайтида, яъни 1942 йилда кетганди. Бироқ қайтмади. Янгаси Ҳанифахон ая умр бўйи турмуш ўртоғини келиб қолар, деган умид билан кутиб яшади. Оналари ҳам ўғиллари ҳақидаги ҳақиқатни билолмай дунёдан ўтди.

– Бизлар ўшанда гўдак бўлганмиз, – дейди у кишининг фарзанди Суннатулла ака. – Отамиздан “қора хат” келса маҳаллий раҳбарлар уйимизга билдиришмабди. “Қора хат”ни уларга билдирсак, мабодо, келини кетиб қолса, кампирга ким қарайди, оилалари хонавайрон бўлади-ку, деб ўйлашган.

Улғайганимдан кейин, қандай бўлмасин, отам ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга қарор қилдим. Онам ва бувим умрларининг охириги кунларигача сабр-бардош билан кутиб яшаганлари, ҳақиқатни билолмай дунёдан ўтганлари менга алам қиларди.

Мен ҳамиша отамнинг уйимизга юборган 1943 йил 24 июлда ёзган хатини, кейин шу йилнинг 22 августида 2636-госпиталдан жўнатган мактубини, Тамбов вилояти Моршанск шаҳридан ёзган охириги хатини авайлаб сақлаб келардим. Мустақил оила бошлиғи бўлган бир пайтимда, рус қўшнимиз кўмагида Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги архивига хат ёздим. Орадан кўп ўтмай жавоб келди. Унда шундай дейилганди: *“17984-ҳарбий қисмининг оддий аскарни, 1912 йилда туғилган Умаров Ҳамид жангларда Запорожье вилояти Зелёный-яр деган жойда 1943 йилнинг 5 декабрида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Бу ҳақда 1943 йил 20 декабрда унинг уйига хабар юборилган”*.

Жавобдан кўнглим тўлмади. Хўш, вафот этган бўлса, қаерга дафн этилган? Бориб зиёрат қилсам бўладими?

– Энди овора бўлиб юрма, Суннатулла, – деганди ўшанда Ҳабиб акам, – урушда ўн гулидан бири очилмай, не-не йигитлар жувонмарг кетишди. Сенинг отанг, менинг жигарим, худди ўшандай кўплар қатори фидо бўлганларнинг бирови-да. Энди қайғуришининг фойдаси йўқ. Қайтага ўзингни қийнайсан, касал



қиласан...

Шундай бўлсада хат ёздим. Кейин Запорожье вилояти ҳарбий комиссари, генерал-майор Наумовдан жавоб хати олдим: “*Ҳақиқатан, 17984-ҳарбий қисмининг оддий аскар, 1912 йилда туғилган Умаров Ҳамид 1943 йилнинг 5 декабридаги жанглардан бирида мардларча ҳалок бўлган, Украина Республикаси, Запорожье вилояти, Капустино қишлоғидаги 24-ҳарбий қардошлиқ қабристонига дафн этилган. Хоҳлаган пайтингизда, йилнинг исталган даврида келиб зиёрат қилишингиз мумкин*”.

Мазкур хатда кўрсатилган манзилга 1985 йилнинг ёзида хотиним билан бордик. Отамни ва бошқа шаҳидларни зиёрат қилдик. Ҳар бир жангчининг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган санаси мрамр тахтачаларга ўйиб ёзилганди. Отам қабридан бир ҳовуч тупроқ олиб қайтдим.

Ҳабиб Умарийнинг китобида Ҳанифахон аяга бағишланган “Янгажонимга” деган шеър бор. Ундан қуйидаги сатрларни келтириб ўтишни истардим:

*...Акам руҳи билан яшади янгам,  
Акам хотираси сўнмас қалбида.  
Уни буколмади қайғу, ҳижрон, ғам,  
Янгам учун бўлмади акам “Алвидо!”*

*Акамга аталган дўппи, белбоғ, тўн,  
Ҳамон янгам учун гавҳар обида  
Меҳрибон янгажон, сенга шараф-шон,  
Янгам, ифтихорсан вафо бобида...*

Бундан ташқари, Ҳабиб Умарий “Монолит ҳайкаллар”, “Шаҳидларни ёдлаб”, “Изларимни изласанг агар”, “Ёдингдами, ўртоқ”, “Ҳамшира қиз Нина”, “Ватан ўғлони” сингари бир қатор шеърлар, балладалар ёздики, уларда уруш лаънатланади, тинчлик, осойишталик қадрланади.

Ҳа, тинчлик бўлса, тўйлар қиламиз. Юртимиз гуллаб-яшнайди. Одамларнинг кўнгли тўқ, хотиржам яшайдилар ва меҳнат қиладилар. Ҳабиб Умарийнинг “Тўқсон билан тўқнашган отахон Жуман Жўраевга”, туманнинг ардоқли фахрийси Омон Шойзоқов ва умр йўлдоши Ҳосият момонинг “50 йиллик олтин

тўйлари”га, ўлкамиз табиатига бағишланган “Гўзал Сайфин қишлоғи”, оналарга, устозларга, хотин-қизларга бағишланган шеърлари тинчлик-хотиржамликнинг, бағри кенгликнинг, ҳаётга, яшашга бўлган беқиёс муҳаббатнинг бебаҳо белгилари, учқур ҳаёл ва тиниқ тафаккур меваларидир.

## 12. МЕҲРИБОН ОТА-ОНА ЁДИ

Ҳабиб Умарий ҳақида ёзаётганимдан хабардор бўлган у кишининг қизи Зебинисо Ҳабибовна ўз оилалари, болалик йилларини эслаб қуйидагиларни қоғозга туширибдилар:

«Оилада беш фарзандмиз. Онам ҳаётдан эрта кўз юмганлари сабаб, биз – болалар дадамга жуда қаттиқ боғланиб қолгандик. У киши жуда талабчан, қаттиққўл, шу билан бирга меҳр-мурувватли инсон эдилар. Ҳар биримизнинг тарбиямиз ҳақида алоҳида қайғурардилар. Биринчи синфга боришдан олдин биз, фарзандлар «Алифбе»ни ёддан билардик... Эсимда, Шавкат акамга техникага қизиқишини ҳисобга олиб, уйда фотолаборатория ташкил қилиб берганлари... Шакарбек укам ҳайвонот дунёсига ҳавасмандлиги туфайли, уйда қуён, товуқ, каптар, ҳатто, бўри боласигача боққанлар... Фаллаоролда биринчилардан бўлиб телевизор, радиоприёмник сотиб олгандилар. Дадам янгиликка ўч, илғор фикрли бўлганликлари учун ёзги клуб ва кинотеатрда намойиш этиладиган бадиий фильмлар, театр, концертлар бизларсиз ўтмасди.

Оилада ягона қиз фарзанд бўлганим боис, дадам менга бўлакча эътиборда эдилар. Барча орзу-ҳавасларимни рўёбга чиқаришга интилар, қизиқишларимни қўллаб-қувватлар, ҳамиша фаол бўлишим, одамларга қўлимдан келгунча яхшилик қилишим зарурлигини, кексаларнинг дуосини олишим кераклигини тез-тез таъкидлар эдилар.

Бугун фарзандларимни вояга етказиб, ўзим ҳам буви бўлган пайтимда, англаб етдимки, дадам бизларни то умрларининг сўнгги кунларигача авайлаб, одамларга меҳр-оқибатли бўлишга, хизмат вазифамга виждонан ёндашишга, оилага, Ватанга садоқатли бўлишга ундаган эканлар.

Байрамлар, туғилган кунлар сабаб, тез-тез учрашиб, йиғилишиб турардик. Табиийки, дастлабки сўз дадамга бериларди. «Болаларим, худога шукур қилиб яшайлик, –

дердилар у киши тўлқинланиб. — Ҳаммаларингнинг яшашга уйларинг, суйиб эркалашга фарзандларинг бор. Бахт ана шунда».

Дадам оддий ўқитувчи эдилар. Мен у киши туфайли бу касб улғуворлигини кичкина пайтимдаёқ тушуниб етганман. Ҳаётда жуда кўп нарсаларни пул, амал билан ҳал қилиш мумкиндир, бироқ инсон кўнглини топа олиш, юракни қайнаётган муаммоларни фақатгина ўзинг ишонган шахс — муаллим еча олишига кўп гувоҳ бўлганман. Чунки, дадамнинг шогирдлари, уларнинг ота-оналари, яқинлари еча олмаган мушкулотларни отам билан бамаслаҳат ҳал этардилар. Ўткир хотирага эга бўлганликлари боис қариган чоғларида ҳам танишларининг болаларини исмларигача бехато айтиб, кўпларни ҳайрон қолдирар, ота-оналарга қобилиятли фарзандларни қаерда ўқитишлари лозимлиги ҳақида маслаҳатлар берардилар.

Яна бир азиз инсон — Саодат онамиз ҳақларида ёзмай иложим йўқ. Фарзандсизлик сабаб, оиласидан ажраб, бизга она бўлиб келган бу аёл ўқимишли бўлмаса-да, гоят билимдон, пазанда, чеварлиги билан барчанинг меҳрини қозонганди. Шу аёл туфайли мен дунёда ўғай оналар борлиги хусусидаги салбий туйғуларни унутганман. Барчамизнинг болаларимизни ардоқлаб ўстирган, дадамни меҳр билан парваришлаган онажонимиз тўй-ҳашамларда, қариндош-уруғлар орасида давраларнинг кўрки бўлиб юрардилар...

Шундай азиз инсонлар бугун орамизда йўқ. Азизлар, модомики, ота-онангиз ҳаёт экан, ўткинчи дунёдаги арзимас ташвишларга ўралашиб қолмай, уларни зиёрат қилинг, ширинсуханлик билан кўнгилларини овланг. Кўп кишилар улғая бошлашгач, ҳаёт йўлини топиб оламан, деб ўйлашади. Менимча, фарзандларнинг ким бўлиб етишишларида ота-онанинг ўрни беқиёс.

Уйимизда катта кутубхона бўлиб, унда жаҳон адабиёти дурдоналаригача бор эди. Бугунги кунда биз, беш фарзанднинг олий маълумот олиб, барчамизнинг раҳбар даражасига етишганимизга фақатгина дадамнинг доно ўғитлари, онажонимизнинг меҳрлари сабаб деб биламан ва улар олдида умрбод қарздор эканлигимизни ҳис қиламан”.

### 13. ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА БИР НАЗАР

Гап, модомики, Ҳабиб Умарий ҳақларида бораркан, у кишининг таржимаи ҳолларига мухтасар тўхталиш лозимга ўхшайди. Бу инсон 1925 йилда Ғаллаорол туманининг Гадой қишлоғида туғилган. Қорағўйли, Қорача қишлоқларининг бир бўлаги саналмиш бу манзилда XIX асрда Гадойбой деган бир бадавлат одам яшаган. Унинг фарзанди бўлмаган. Икки-уч бор уйланганидан қатъий назар, Аллоҳ унга фарзанд ато этмаган. Қариб, тўшак тортиб қолганидан сўнг, ҳамқишлоқларини уйига чақириб, мол-ҳолини, кўйларини бўлиб олишни сўраган. Шунда дунёдан номи ўчиб кетишини, чироғини ҳеч ким ёқмаслигини айтиб, йиғлаган экан бечора. Қишлоқ одамлари у кишининг вафотидан кейин бирор чора-тадбир қўллаб номини абадийлаштира олмаганлар. Кейинча шу одамнинг ҳурмати учун қишлоқни Гадойбой деб қўймоқчи бўлишган, мантиқдан келиб чиқиб, бу сўздан “бой” қўшимчасини олиб ташлашган. Шу-шу қишлоқнинг номи Гадой бўлиб кетган.

Ҳабиб уч ёшга тўлганида отадан қолиб, тўнғич акаси Ҳамиднинг қарамоғида бўлади. Мактаб ёшига етгач, Оқтомдаги 29-мактабда ўқий бошлайди. Мактаб билан уйлари оралиғидаги масофа олис бўлиб, қатнаш қийин кечган. Укасининг ўқимишли бўлишини истаган акаси Ҳабибни Сарбозордаги болалар мактаб-интернатига топширади.

Суннатулла Ҳамидович таъкидлашича, ўша даврда Сарбозорда ташкил этилган мактаб-интернатда ётоқ, ошхона, синфхоналар, барча зарур шароитлар бўлган. Шундай қилиб, Ҳабиб ўн олти ёшидан меҳнат фаолиятини бошлади. 29-мактабда пионервожатий бўлди. Лекин, кўп ўтмай, уруш бошланди. Тенгдошларига нисбатан бўйдор Ҳабиб армияга чақирилди. Саводлилиги, ижро интизоми, бошқаларга нисбатан рус тилини яхши ўзлаштиргани билан ажралиб турган бу йигитни улар кадрлар тайёрлаш бўлимига хизматга олишди ва ўқитишди. Икки ярим йил ичида Ҳабиб Умаров кичик лейтенант бўлиб етишди.

1945 йилда Ҳабиб Умаров Москва орқали Узоқ Шарққа — Квантун армиясига қарши курашга боради. Уруш тугагач, улкан мамлакатнинг шарқий чегараларини мустаҳкамлашда қатнашади. 1947 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳужжатларини Самарқанддаги ЎзДУга топширади ва тил-адабиёт факультетига

ўқишга киради. Кўп ўтмай комсомол кўмитасининг котиби бўлади.

— Айтганча, бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди, — дея бош қашийди Суннатулла Ҳамидович. — Ҳабиб акамиз 1945 йилда Москвада Ғалаба парадда қатнашган. Менда у кишининг борти очилган ҳарбий машина устида, спорт кийимида, турли акробатик машқларни бажариб Қизил Майдондан ўтаётгандаги суратлари бор.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳабиб Умаров жисмонан бақувват, алп одам эди. Ўзига берилган топшириқларни бекаму-кўст бажаришга одатланганди. Шу фазилати сабабми, ҳали ўқишни битирмаган, комсомолда ишлаётган йигитни кутилмаганда давлат хавфсизлик кўмитасига ишга чақиришади. У 1954 йилгача Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон, Тошкент вилоятлари ҳудудида мазкур орган таркибида хизматда бўлади. Ғаллаоролга қайтиб келгач, Чувиллоқ қишлоғида 31-ўрта мактабни ташкил этиб, унга ўзи директор бўлади.

Ҳабиб Умаров бадиий ижодни Узоқ Шарқда юрганида бошлаган. 1948 йилда унинг “Ғолиблар” шеъри “Шарқ юлдузи” журналида босилган. Бу унга катта муваффақият, руҳий кўтаринкилик бағишлаган. Шундан кейин республика ёш шоирлари учрашувларига бориб юрди. Ойбек, Фафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Ҳамид Ғулом билан суратларга тушди. Унинг “Чин севги”, “Бодом гули” шеърлари “Шарқ юлдузи” да эълон қилинди.

Ҳабиб Умаров 1958 йилда туман марказидаги 25-ўрта мактабга директор бўлиб ўтди. Айни вақтда “Ғалла учун” (ҳозирги “Ғаллаорол овози”) газетасида маданият бўлимини бошқарди. Газетанинг деярли ҳар бир сонида Ҳабиб аканинг шеъри, мақоласи, лавҳаси ёки ёш қаламкашлар ижодига нуқтаи назари босилиб турарди.

Маориф соҳаси у кишининг эътиборини тортгани туфайлими то 1983 йилгача, яъни, нафақага чиққунига қадар халқ таълими соҳасида ишлади. Бир неча йиллар 44-ўрта мактабга қатнаб турди. Янги шеърлар ёзди. Хизматлари учун орден-медаллар нишондори, халқ маорифи аълочиси бўлди.

Ҳабиб Умаров солиҳ фарзандлар тарбиялади. Улардан уч

нафари ўрта мактабни олтин, икки нафари кумуш медал билан битиришди. Тўнғич ўғли Шавкат Санкт-Петербург шаҳридаги электротехника институтини битириб, кўпгина корхоналарда меҳнат қилди. Республика электротехника саноати концернининг бошлиғи даражасигача етишди. Қизи Зебинисо бир неча йил Ғаллаорол туман халқ таълими бўлимининг мудираси бўлди. Шакарбекнинг эса касби ветеринар. Бир қатор хўжаликларда турли вазифаларда ишлаган, “Ғаллаорол” агрофирмаси раҳбари. Яна икки ўғли ҳам уйли-жойли, оилали, бола-чақали, турли касбларни эгаллашган.

Ҳабиб ота Умаров 2002 йилнинг 25 сентябрь куни етмиш етти ёшида вафот этди.

\*\*\*\*\*

### Ватан ичра ватаним

#### **КЕТМОНЧИ – БИЗНИНГ ЮРТ**

Ҳа, шундай. Деҳқончилик билан шуғулланган инсон борқи, иши кетмонсиз битмайди. У яхши иш қуроли. Она-Ватанимиз – Ўзбекистонда яшаётганимиздан ҳаммамиз хурсандмиз. Ҳатто, байрамларда, айниқса, янги йил кечасида ўзи Қорбобо бўлиб, хотини «Жодугар кампир» ролида қизиқчилик қиладиган, эл йиғинини қизитадиган Бурхон Эркабой ўғли Азимовнинг ярим ҳазил, ярим чин қилиб таъкидлашича: «Кетмончи Ўзбекистонда битта! Ер юзида ҳам битта деб айтиб юборардим, афсус, Африка қитъасида Катманду деган давлат бор. Шу боисдан, битта десам, катмандулик оғайнилар хафа бўлишади-да».

Катманду аслида Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Непал давлатининг пойтахти. Бироқ ҳеч ким қизиқчига эътироз билдирмайди. Уни кулиб-яйраб тинглашда давом этишади.

Дарвоқе, Бурхоннинг гапида жон бор. Катта Ўзбек Трактининг шундоқ биқинида, тўрт фаслда ҳам, куюш чарақлаб турган паллаларда, тўрт томонидан тўртта тоғ – ғарбдан, яъни Қибла томондан Ғўбдин-ота тоғлари, шимолдан Фориш тоғларининг Қўйтош кони узра юксалган чўққилари, шарқдан Моргузар тоғлари, жанубдан эса Помир тоғларининг абадий музликлар билан қопланган Тожикистон тизма тоғлари дангал

кўриниб турадиган, хушхаво, серсоя, сувлари тоза ва мўл маскандир Ватан ичра ватаним!

Қишлоқнинг шарқий томонидан Сангзор дарёси йил-ўн икки ой тинмай оқади. Айниқса, баҳор чоғлари кўпириб, лойқаланиб, пўртана бойлаб, ўзанига сифмай оқади. Улуғ географлар шунинг учунми, балиқлари ширин, шу шўх дарё шарафига бизнинг ерларимизни Сангзор ботиғи ҳудуди деб аташган. Бетакрор мўйқалам соҳиби, халқ рассоми, академик Ўрол Тансиқбоев ўзининг «Тоғ манзаралари» картиналар галереясининг бир қисмини худди шу бизнинг қишлоқда юриб яратганди. Ҳовлимизда эру хотин геолог-қидирувчилар бир неча бор меҳмон бўлишиб, тунаб қолишганди. Шахсан ўзим «Кетмончи Ватаним бор, бир ажиб масканим бор» деб бошланувчи шеъримни Наврўз айёмларида ҳамқишлоқларимга бир неча бор ўқиб берганман ва уни маҳаллий матбуотда эълон қилишган.

Қишлоғимизнинг улуғ эшони Шаҳрисабздан ҳар йили атиги бир марта ташриф буюрадиган Баҳромхон эшон бобо эдилар. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин. Ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни қадрлайдиган бу инсон қишлоғимизга келганларида Ҳақбердибой хонадонига кўнардилар. Ўша лаҳзаларда бу маскан ўзига хос илм-маърифат ўчоғига айланиб, одамлар то эрта тонгга қадар эшон бобонинг сеҳрли ҳангомасига, илмига, кўрган-кечирганларига жон-жон деб қулоқ тутардилар. Ҳақберди ота мурувватидан баҳраманд бўлардилар. Фақат яхшиликка, эзгуликка, савоб ишларга қаратилган бу суҳбатлардан кишилар ўзларини қизиқтирган саволларга қаноатланарли жавоб топардилар.

Қишлоғимиз аҳли бола-чақасини иложи борича ҳалол луқма билан вояга етказишади. Сабзи, картошка ва бошқа экинларни зўр парваришлаб, Жиззах шаҳар бозорларини фақат якшанбада эмас, ҳафтанинг қолган кунда ҳам танг қилишга қодирлар. Улови борларини Самарқанд, Тошкент бозорларида ҳам учратасиз. Ўзимизга яраша тоқзоримиз, нокзоримиз, олмазоримиз бор. Буларнинг барчаси одамзодга ҳамдам хазина.

Ҳамқишлоқларимиз ён-атрофдаги қишлоқлар, шаҳарликлар билан қуда-анда киришиб кетишган. Бироқ аксариятининг тоға юрти — Кешковут қишлоғи — Бойбоғишбой

юртидир. 1905 йилда ўша қишлоқда туғилиб вояга етган, кетмончига келин бўлиб тушиб, 13 нафар фарзанд кўрган, пировардида, шундан тўрт нафарига эга чиққан катта энам Зулайхо Жўрабой қизидан бир куни Бойбоғишбой ҳақида билганингизни гапириб беринг деб илтимос қилдим.

– Ҳа, болам, элликка кирган киши юз йиллик гапни билади, дейишади. – Саксондан ошган катта энам хотираларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилди. – Бойбоғишбой деганлари бизлар туғилмасдан юз йиллар илгари яшаб ўтган одам. У кишидан қолган ҳикматлардан бири шундайки, бир куни отини йўрттириб бораётса, кимсасиз даштда бўй-бастлари келишган, кучга тўлган икки йигитни учратибди. “Қани, йигитлар, сизларга йўл бўлсин?” деб сўрабди Бойбоғишбой йўрғасининг юганини тортиб. “Семизкандга бормоқчимиз...”. “У ёққа бирор одамни қора тортиб бораётгандирсизларда?” “Йўқ, ҳеч кимни танимаймиз. У ёқда тўкинчилик, мўл-кўлчилик деб эшитдик... Ҳеч бўлмаса, ўтин ёрсак ҳам, кунимизни кўриб кетармиз...” “Э-э, ҳали гўдак экансизлар! – дебди Бойбоғишбой таассуф билан. – Ҳар ердаки, ишласанглар, ризқни Аллоҳнинг ўзи беради. Сендан ҳаракат, мендан баракот деган яратганнинг ваъдаси бор. Майли, Семизкандни ҳавас қилган экансизлар, у ёқларни ҳам кўринглар. Бироқ, даштда адашишларинг яхши эмас. Йўлда юрсанглар, йўл сўранглар, худодан насибани мўл сўранглар!” деб, Бойбоғишбой уларга тўғри тарафни ишора қилиб, байталини йўрттириб кетибди.

Албатта, Бойбоғишбой чекка қишлоқларга, тўймаъракаларга борганида, ёдига тушиб қолса, бу кечмишни гурунглари гапириб берган. Аста-секин ҳалиги йигитларнинг эга сойиблари, қариндош-уруғлари хабар топишиб, Бойбоғишбойни излаб келадиган бўлишган. Соғинч, фироқ, жудолик дардига йўғрилган бу кечмиш, ҳатто, кўшиққа айланиб кетган:

*Бойбоғишбой байталини човипти, човипти,  
Ора жўлдан эчки гўдак товипти, товипти,  
От устига зилчасини жовипти, жовипти,  
Бола топган Бойбоғишбой уйдама, уйдама?*



*Бойбоғишбой байталини човған жүк, човған жүк,  
Ора жулдан экки гүдак товған жүк, товған жүк,  
Отига ҳам зилчасини жовған жүк, жовған жүк,  
Бола топған Бойбоғишбой уйда жүк, уйда жүк...*

— Бу құшиқ узун эди. Сенга эсимда қолганини айтдим-да, чирокқинам, набирам!..

— Икки ўғил ва икки қизингиздан бошқа фарзандларингизни ҳам сақлаб қолганингизда, ҳозир бизлар қишлоқнинг деярли ярмини ташкил этардик, эна?!

— Ҳа, чўп бўлсанг ҳам, кўп бўл, деган, жорқиним! Нима қилай, Аллоҳнинг ўзи берганди. Ўзига керак экан, яна қайтиб олди... Кўпларининг тили чиқиб, тиши чиқиб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа чопиб қолганларида кўзикдилар, турли хасталикка чалиндилар... Ўша вақтлари тиббиёт ҳам ҳозиргидай эмас эди-да.

Катта энам 1988 йил кўкламида вафот этдилар. Илоё, арвоҳи шод, иймони басалавот, кўплар қатори ётган жойлари обод бўлсин, ҳаммаларимизни кўллаб-қўлтиқлаб юрсин, менинг художўй, намозхон, тоза табиат, туғма шоира, куймақулоқ катта энам! Шу инсоннинг сўзларини эслаб, бой бўлай деб иззатидан айрилиб қолаётган, ёки пулдор бўлиш, яхшироқ яшаш учун чет элларга кетаётган навқирон йигитлар, қизларни кўрганимда ҳамда эшитганимда гижиним келади.

Ҳозирги кунда қишлоғимизнинг муомалада илғор ва бадавлат одами Тўрабой қассоб Холбўта ўғлидир. Жамоатимиз билан кўшни қишлоққа тўйга борганимизда унинг тенгдошларидан бири кўпчилик орасида: «Қассоблар афирист, капиталист бўлиб кетишди, ҳали худонинг олдида жавоб беришади» деб, қассобга аччиқ-нордон сўзларни теккиздириб айтарди. Тўрабой қассоб гап кураштирмади. Менинг ориятим кўзғалган бўлсада, «Нима сабабдан бундай деяпсиз?» деб сўраб ўтирмадим. Балки, унинг ҳўкизини сўйиб сотган бўлса, пулини бермай юргандир, балки оз-моз тарозидан ургандир, устихонни балки шу одам олган гўштга адашиб, кўпроқ кўшиб бергандир деб ўйладим.

Очигини айтганда, нариги дунёда кимнинг жаннати ёки дўзахи бўлишини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи ҳал қилади. Лекин, шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Тўрабой қассобнинг яхши

фазилатлари билан ёмон одатлари тарозининг икки палласига қўйилса, яхши томони албатта босиб кетади. У ҳамқишлоқларига хайрихоҳ, бирор нимага муҳтож бўлганларга ҳолатбарор. Эшонлару амалдорлар билан яхши муносабатда. Унинг Ғаллаоролдаги «Нурил ислом» жомеъ масжиди имом-хатиби Нуриддин ҳожи Ислом ўғли билан худди ака-укалардек, дўстлардек иноқлиги, назокат ва тавозеъ ила муомала қилишларига қойил қолмай илож йўқ.

Тўрабой қассоб анча йиллар илгари жездаси бедарак йўқолиб кетгач, жесир қолган опасини уч фарзанди билан узоқ тоғ қишлоғи Пайматдан Кетмончига кўчиртириб келди. Уларга ўз рўзғоридан, томорқасидан жой берди. Идрис билан Иброҳим жиянларини уйлантирди, уларнинг опасини турмушга чиқарди. Ҳар бирларининг алоҳида уйли, ҳовли-жойли бўлишларига ёрдам берди. Ўз навбатида жиянлари ҳам қассобга қанот бўлишди. Эндиликда улар унча-мунча одамга гап бермайди. Аллақачон Кетмончининг ўз одамларига айланишди. Бир одамнинг савоблиши шунчалик бўлар, ахир.

Айниқса, қассобнинг энг яхши одати улоқчи-чавандозларни эъзозлашидир. Тўрт тов орасидаги чавандоз-полвонлар унинг сўзини ерда қолдиришмайди. Қассобнинг ўзи ҳам учқур, хунарли от боқади. Унинг отида қашқабулоқлик куёви жуда кўп совринларни қўлга киритган. Ўғиллари бегона отлиқларни улоққа яқинлаштирмай, кўпинча ёнида от чоптириб боришади. Хуллас, Кетмончида кимки ўғил тўйида кўпқари бермоқчи бўлса, биринчи навбатда Тўрабой қассобга учрашади ва у киши ҳеч иккиланмай, чавандозларни уюштириб бера олади.

Кетмончида ҳозирги кунда 569 киши, 124 оила истиқомат қилмоқда. Ғаламислик ҳамма замонларда бўлган. Ҳозир ҳам бор. Келажакда ҳам давом этишига шубҳа йўқ. Бир куни Уяс қишлоғилик мулла Турдибой бобонинг боласи Абдулла:

– Қишлоғининг асл номи Бештентак. Кечаги мустабид тузум бошларида, колхоз тузуми вақтида одамларининг ўзлари Кетмончи қўйиб олишган, – деди.

Бу сўзлар менга қанчалик оғир ботганини билсангиз эди?! Ҳар бир даъво исботи билан гўзал ва асосли. Хўш, ўша бештентакликлар кимлар бўлишган? Уларнинг авлодлари

кимлар? Буни Абдулла арзирли асослаб беролмади. Шу боисдан, унинг сўзларини нотўғри, ноўрин ва асоссиз деб ҳисоблайман. Абдуллага эса хом сўзлаб, уялиб қолма, галамис бўлма жўра, дейман.

Аллоҳга беҳад ва беадад шукурлар бўлсинки, қишлоғимиздан ҳали ватанфурушлар, сотқинлар, хоинлар чиққан эмас. Онасига эргашиб келганлар, Кетмончи тузини ичиб вояга етганлар бору, иншооллоҳ, ёмон фикр билан бирор инсон ҳали қишлоққа кира олгани йўқ, кира олмайди ҳам. Ваҳобийлик, хизбут таҳрир, турли қўпоровчиликларни астойдил қоралайдилар. Бугунги ўтиш даври қийинчиликларини чидам билан енгиб ўтишга, эртанги кунга ишонч билан қарашга интиладилар. Чунки, қўлинг ишда бўлсин, дилинг Аллоҳда, деган ҳикматга амал қилувчи, иймони бутун, қўнгли тоза одамлар – кетмончиликлар.

\*\*\*\*\*

## СЎНГГИ ҚОР КУНИ

### *Новелла*

Изғиринли кунлар ўтиб, қорлар эригач, энди қиш чиқдиёв, деб ўйлайсан киши. Бироқ шундай дамлар бошланадики, буни на қиш, на кўклам деб бўлади: дов-дарахтлар юпунлигича сўппайиб тураверади, баъзида аллақадёқлардан совуқ шамол эсиб, бутун осмон одамни диққанафас қилувчи қўрғошинранг булутга тўлиб кетади. Кутилмаганда совуқ томчилар туша бошлайди. Ёмғир! Гоҳида эса шундай ёмғирлар дабдурустдан қор учкунларига айланади. Тағин қиш! Кўзларингга ҳамма нарса ивиб кетгандек кўринади. Намгарчилик жонингга текканидан таъбинг хиралашади. Кайфиятинг алланечук сусайиб, ўзингни ҳорғин ҳис этасан. Мана, табиатнинг инъоми! Календарингдан эса хушбўй фаслнинг дастлабки кунларини йирта бошлайсан. Аммо баҳор қани? Хиёбонлар қачон ям-яшил либосга бурканади?.. Буларни орзиқиб кутасан-у, табиатдаги хотиржамлик давом этаверади. Шундан бўлса керак, кўклам олдидан ҳолсизланиб, эринчоқ бўлиб кетасан киши...

Ўшанда ҳам шундай дамлар эди. Курсдошим Баҳодир билан Муҳайё опаларнинг уйида ижарада яшардик. Бу хонадон Қумлоқ маҳалласининг ўртароғида бўлиб, унга қиш кунлари лой, ёз

пайтида чангиб ётадиган эгри-бугри кўчалардан кириб бориларди. Шунга қарамай бу ерда шавқу-завқ билан истиқомат қилардик, машғулотларга ўз вақтида улгурардик.

Қишки имтиҳонлардан ўтганимиздан кейин Баҳодирнинг кун тартибида баъзи ўзгаришлар рўй берди. У ўзимиз билан бирга ўқийдиган Насибага кўнгил қўйиб, уни уйларигача кузатиб қўйишга одатланди.

— Биласанми, дўстим, ҳатто китоб ўқиётсам ҳам гап нима тўғрисида бораётганлигини унутиб қўяман, саҳифаларда унинг кўзларини кўраман! — дерди Баҳодир.

Баъзан эса ҳаёл суриб завқланиб кетарди. Жуссаси кичик, чеҳраси гулгун Насиба ҳам Баҳодирга муносиб кўринарди. Ҳамхонам мамнунлигидан оғзи қулоғига етиб, қаддини ғоз тутганча кечқурунлари уйга кириб келарди:

— Қалай, қизингни омон-эсон кузатиб қўйдингми?

— Бўлмасам-чи, тентак, — дерди Баҳодир завқланиб.

Шундан кейин узундан-узоқ суҳбат қурадик. Ҳеч эринмай улар орасида кечган турли-туман гапларнинг маъзини чақардик. Буларнинг ҳаммаси Баҳодирнинг оқ кўнгиллиги, қолаверса, менга бўлган чуқур ишончидан эди, албатта.

Бешинчи март куни ҳам ёмғир томчилари қор учқунларига айланганди. Шу кун ҳанузгача ёдимда...

— Вой-вуй, роса ивиб кетибсан-ку, — деб қарши олди Муҳайё она.

Ростдан ҳам телпагимнинг ҳурпайиб турадиган мўйнаси бир-бирига ёпишиб ётиб қолган, эгнимдаги пальто ҳўл эди. Ичкарига кириб ечиндим-да, бўйи шифтга етадиган голланд печимизга ўт ёқдим. Гуриллаб олов олган қуруқ пайраҳалар устидан ярим челақ кўмир ташладим. Ҳона аста-секин исий бошлади. Эндигина каравотга чўзилиб, оёқларимни печда тоблаётгандим, эшик шарақлаб очилиб Баҳодир кириб келди. Унинг кўриниши бу сафар негадир тунд эди. Шундай бўлса-да, одатдагидай сўроққа тутдим:

— Ҳа... Эрта қайтибсан?... Насибани кузатмадингми, ёмғирдан кўрқибсан, шекилли?

У бунга жавобан ҳеч нарса демади. Лой ботинкасининг ипларини жаҳл қилгандай тортқилаб ечди-ю, портфелини стол устига улоқтирди. Ҳайрон бўлдим. Биз бир-биримизни тергаш маъносида эмас, кўнгил яқинлигидан бемалол суриштираверар эдик. У пальтосини ечиб илгакка осдиямки, сукут сақларди.

— Ҳей, гунг бўлиб қолдингми?

Баҳодир яна чурқ этмади. Ҳаракатлари бежо. Кийимларини апил-тапил курси суянчиғига уйиб қўйди. Унинг қилиғи ғашимни келтирди. Жигига тегиб бўлса-да, гапиртирай дедим:

– Индамасанг индигингга, солиб қолай киндигингга, киндигинг пачоқ-пачоқ...

Баҳодирнинг бирдан жаҳли чиқди:

– Ҳазилингни қўйсанг-чи, ўзи ҳамма нарса жонимга тегиб турибди!!!

У шундай кўрслик билан жавоб бердики, гапни давом эттиришнинг ҳожаги қолмади. Сўнгра ўрнига чўзилди-да, бошини кўрпага буркаб олди. Мен ҳангу-манг бўлиб қолдим. Кўримсиэгина хонамиз димиқиб, қоронғилашиб бораётгандек туюлди. Дераза пардаларини очиб қўйдим. Ташқарида қор ёғаяпти. Қор! Унга қараб кўнгил тўлармиди, ўзга фаслдаги қор бўлгандан кейин. Ҳовлидаги қари ўрикнинг букчайиб ўсган танасига қор юқаяпти. Фадир-будир пўстлоғи намиқиб қорайиб кетибди... Ҳамма нарса ивиб тутагандек вужудим жунжикди. Қаёққадир бош олиб кетгим келди... «Минг лаънат бундай турғун кайфиятга! Кетиш керак, қаёққадир кетиш керак!» дердим ўзим ўзимга.

Танимда мислсиз тезкорлик пайдо бўлди. Чойнакка сув тўлатиб келдимда, электр қайнатгични унга солиб, шошилинич токка уладим. Баҳодир юзтубан ётар, нохушлигини мендан яшириб, ўзича энгиб юбормоқчи бўларди.

– Баҳодир, тур энди, қачонгача ётасан? – дедим уни қистаб.

– Қани айт-чи, нима гап ўзи?

– Нима гап бўларди, уришиб қолдик...

– Қўполлик қилдингми?

– Йўқ... Негадир “қузатишингизнинг ҳожати йўқ”, деди-да троллейбусга чиқиб кетди... Балки мендан кўнгли қолгандир.

Баҳодир хомушгина чой ҳўтлади, менинг эса кулгим қистади.

– Нега кулаяпсан?

– Ҳали шунга аччиқ қилдим дегин?.. Болапақир!

Бироз жимиб ўтирдик. Кейин мен ўрнимдан турдим.

– Кийимингни кий, кетдик!

– Қаёққа?

– Айланиб келамиз, эҳтимол бугун сўнги қор ёғаётгандир.

– Балки...

Кўчага чиқдик. Қорнинг қалинлиги тўпиққача етиб қолган, ҳамон оқ учкунлар эланарди. Баҳодир миқ этмай кетиб борар, афтидан, энди унга ҳаммаси бирдай эди.

– Кинога тушамизми, нима дейсан?  
– Ихтиёринг.  
– Йўқ, яхшиси, Насибалар томонга борамиз!  
– Нима?! – Баҳодир қулоқларига ишонмагандек ажабланди.  
– Ҳа, Насибалар томонга борамиз. Мен уни чақириб бераман-да, «Кани, ярашиб олинглар-чи» дейман. Сўнг чекишни баҳона қилиб, бир чеккага бориб тураман. Сен эса у билан гаплашиб оласан. Ҳўш, нега у сени ёлғиз ташлаб кетди экан?

– Қўй, бизнинг орамиздаги муносабатга аралашмаганинг маъкул.

– Нега энди?

– У мени ландовур йигит экан, деб ўйлаши мумкин.

– Майли, чақирмасам чақирмасман, балки у ўз оёғи билан чиқиб қолар...

Қистовларимга қарамай, ҳамон Баҳодир иккиланарди.

– Юрсанг-чи, ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади, – уни қўлтиғидан олиб бекатга судрадим.

Кейин автобус кутишга сабримиз чидамай таксита ўтирдик-да, Пушкин кўчаси томон шитоб билан бора бошладик...

\* \* \*

«Болалар дунёси» дўконининг орқа тарафида машинадан тушдик. Торгина йўлакдан баланд иморатлар қуршовидаги ҳовлига кирдик.

– Келдик, – деди Баҳодир хотиржам.

– Ҳўш, уларнинг уйлари қайсиси?

– Ҳов, ана, дераза қурилмаган балконни кўряпсанми, ўша.

Рўпарадаги уйнинг учинчи қаватига қарадим. Очиқ балконнинг у бошидан бу бошига тортилган ипга ёш боланинг ювилган кийимлари, кўкиш одеял ва яна бошқа нарсалар ёйилганди. Орқадаги деразалардан ёруғлик кўриниб турарди.

– Нима қилдик, чақирамиз-ми?

– Шошилмай тур, узоқроқдан қарайлик-чи, ичкарида кўринар балки...

Баҳодир деразадан нигоҳини узмай, йўлак бўйлаб эллик қадамлар чамаси ортига тисарилиб борди. Ичкарида аллакимнинг у ёқдан-бу ёққа ўтгани кўзга тушланди-ю, дорга ёйилган кийимлар тўсиб тургани учун кимлигини таниб бўлмади. Ҳовлида болақайлар қорбўрон ўйнашарди. Улардан баъзилари бизни ажабланиб кузата бошладилар.

— Ҳой қизча, Насибани танитайсанми? — деб сўрадим чана ушлаб олган қизалоқдан.

— Танийман, — деди қизча ва сал нарида ўйнаб юрган дугонасига қичқира бошлади.

— Наси, ҳой, Наси, бу ёққа кел. Булар сени сўрашапти.

Етти ёшлар чамасидаги қизча пальтосининг баърига теккан қорни қоққанича биз томонга югурди. Кулиб юбордик.

— Биз катта Насини сўраяпмиз, ҳов анави уйда турадиган қиз, — қўлим билан балконни кўрсатдим.

— Ҳа-а-а, — деди қизча кўзлари ола-кула бўлиб, — катта Насини танитаймиз, ўзимиз бу ерга яқинда кўчиб келганмиз-да.

— Ўша Насибани чақириб бермайсизларми?

— Э-э, нега энди, — дугонаси дарров эътироз билдирди, — ўзийлар чиқсайлар бўлмайдами?

— Биз қўрқамиз, адаси бақириб бериши мумкин.

Баҳодир мийиғида кулди. Қизчалар ҳайрон бўлишди. Бироздан сўнг қўшимча қилдим:

— Майлига, кутиб турайлик-чи, балки Насибанинг ўзи чиқиб қояр...

Бу ҳаммамизга маъқул гап бўлганди. Қизалоқлардан каттароғи фурсатдан фойдаланди:

— Тўғри, ўзлари чиқиб қолишлари мумкин. Унгача бизни катайса қилдирийла-а...

— Майли!

Чанага бири ўтираётганди, «йўқ, икковларинг ҳам ўтиринглар», дедим мен. Қизчалар чанага тиқилишиб ўтирдиларда, йиқилиб кетмаслик учун бир-бировини маҳкам ушлаб олишди. Мен кенг ҳовлига гардиш каби айланган йўлақдан чанани тезлик билан тортиб кетдим. Қизчалар севинганларидан қийқириб юборишди. Ортимга қарасам Баҳодир ҳам битта чанани судраб келяпти. Бизлар беихтиёр кичкинтойлар ичига қўшилиб кетиб, ким ўзарга югуриб, ўйинни қизитиб юборгандик. Қолган болалар ҳам ортимиздан чопишар, баралла ҳайқиришар, коньки тақиб олганлари эса бемалол бизлардан ўзиб кетишарди. Юпқагина қорда чаналар оғир сирпанаётганидан қўлларимиз толиқди ва тез орада вужудимиз қизиб, пишнаб қолдик. Ўйин авжга чиқарди-ю, бироқ кеч кирганди.

Қават-қават хонадонларда бараварига чироқлар ёниб, ҳовлидаги қор юзида қизғиш шуълалар жилва қила бошлади. Балконлардан, пастки хоналардан эшитилган бақирқиқ-

чақириқлардан кейин болалар тарқалишди. Насибаларникидан ҳеч кимни чақиришмади.

– Қайтаверсак ҳам бўлади, у барибир чиқмайди, – деди Баҳодир умидсизланиб.

– Менга қара, шунча йўлдан келиб, наҳотки қуруқдан-қуруқ қайтиб кетамиз?

– Хўш, нима қил дейсан?

– Келганлигингни билдириб кет-да!

– Қандай қилиб?

– Билмадим, бирор хат-пат қолдирасанми, агар ёзсанг, мен астагина эшигига қистириб келардим.

Баҳодир ўйланиб қолди. Кейин бир қарорга келгандай менга юзланди.

– Комил, қисқагина хат ёзсак-да, қор ичига солиб балконга ирғитсак, нима дейсан?

– Бўлади! – дедим.

– Агар бирортаси чиқиб қолса-чи?..

– Э-э, латта экансан-ку, чиқса-чиқар, зўр келса қочиб кетармиз, энг муҳими, у келганингни билиши керак!

Бир амаллаб Баҳодирни хат ёзишга кўндирдим. Ўзим эса қорнинг из тушмаган жойларидан авайлаб олиб қор-копток ясай бошладим.

– Боя сўнги қор деганмидинг? – деб сўради дўстим.

– Ҳа, нимайди?

– Ўзим, шунчаки...

Баҳодир ён дафтارينинг бир варағига катта қилиб «Сўнги қор» деб ёзди ва варақни йиртиб олиб буклади-да, уни мен иккига бўлган қор орасига қўйди.

– Исмингни ёзмадинг-ку?

– Қўявер, дастхатимни танийди.

Баҳодир қор копток парчаланиб кетмасин деб, ҳовучида қайта-қайта сиқиб, юм-юмалоқ қилди. Сўнгра мен нарироққа бориб турдим. Баҳодир уни чап қўлига олиб, бир-икки қадам олдинга сакраб дадил улоқтирди. Қор копток тўппа-тўғри дорга ёйилган одеялга тегиб «тап» этиб балкон ичига тушди. Кулиб юбордим.

– Чапақай бўлсанг ҳам мергансан-а, деразага тегиб кетадими деб қўрққандим...

Ичкаридан бирор киши чиқиб қолармикан деб яна бироз қараб турдик. Аммо ҳеч ким кўриниш бермади. Оптимизга қайтдик. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб бориш ҳам шу топда юракка сиғмасди.



– Келганимиз яхши бўлди-я? – деб сўрадим ниҳоят Муҳайё опаларникига етай деганимизда.

– Ҳа, албатта...

– Эртага Насиба «қор-коптокни кўрдим, агар боришингизни билганимда мен ҳам қор тайёрлаб кўярдим, сизни уришга” деса керак-а?

– Эҳтимол шундай дер, – Баҳодир жилмайди, – лекин ўзи гапирмаса, мен бу тўғрида унга ҳеч нарса демайман. Гойибдан қилинган иш гойибона бўлгани яхши. Бу кишига бус-бутун қувонч келтиради... Тагин сен айтиб қўймагин!

– Бу гапга келишиш мумкин-а...

– Жентлменларчами?

– Худди шундай!

Баҳодир қўлимни маҳкам сиқди. Уйга келганимизча унинг дили танглигидан асар ҳам қолмади. Дўстимнинг ошиқ кўнгли яна умид учқунлари билан тўлиб, чеҳраси аввалгидек шўх ва мағрур қиёфага қайтди.

Шундай қилиб, бемаврид қор бир-икки кунда бутунлай эриб кетди. Аста-секин чароғон паллалар бошланди. Шохларда куртаклар ниш урди, ўт-ўланлар ўсди, бутун табиат жонланди. Эндиги ёмғирлар шиддат билан қуяр, булутлар орасида еру кўкни ларзага солувчи момақалдиروқлар гумбурларди...

Ҳа, дарвоқе, қор копток ҳақида: ўша қор эриб, ичига ёзилган лавҳа шамолда учиб кетган. Ёки Насибанинг ойиси уни шўх болаларнинг ҳазили деб ўйлаб, пастга улоқтириб юборган. Ҳар ҳолда Насиба бу тўғрида дўстимга ҳеч нарса демаганди. Агар айтганида Баҳодир албатта менга етказарди. Чунки биз, бу шўхликни биргаликда қилгандик.

Орадан йиллар ўтди. Баҳодир ўз йўлига, Насиба ўз йўлига кетди. Яна сўнги қорлар ёғаяпти, кўкламлар келаяпти, бироқ гап бунда эмас. Мен фақат биргина нарсани қувонч билан эслайман: ўша сўнги қор кунда дўстимнинг кўнглидаги губорларни бутунлай тарқатиб юборганман.

\*\*\*\*\*

## РАИС

*Фаллаорол туман “Истиқбол” ширкат  
хўжалигининг дастлабки раисларидан Эргаш  
Ҳазратқулов хотирасига бағишланган.*

Ўша куни раис азонда ишга келиб, сув таралаётган бригадалар даласини кўздан кечиришга киришди. Бироқ, ўн саккиз гектар

ғўза қатор ораларига сув тарашни кеча бошлаган иккинчи бригада даласидан хуноби ошиб қайтди. Қатор ораларнинг ҳар гектарида ўн олтитадан жўякни сув ювиб кетганди. Демак, сувчини ғафлат босган. Тунда фонусларни олиб, ўқариқлар бўйлаб юришмаган. Бригадир эса ароқ ичиб, тўнкадай қотган кўринади.

Раис даланинг ўзида туриб ҳайдовчисига бригадирни топиб келишни буюрди. Ҳайдовчи машинани бригадирнинг уйи орқасида тўхтатиб, қайта-қайта сигнал босиб, уни зўрға уйғотиб чиқди. Бригадир машинага ўтириб, талтайиб унинг ҳузурига борди-ю, сув ювиб кетган эгатларни кўриб, ҳеч қандай арзирли важ-карсон кўрсата олмади.

– Бу ерларни Эркабойга тайинлагандим, – деб нуқул ғўлдир-ғўлдир қиларди.

Раис унинг ҳали бу офатдан беҳабарлигини сезиб, шаҳд билан ёнига борди-ю, бир шапалоқ тортиб юборди. Учиб кетган дўпписини ердан олаётган бригадирга қараб:

– Эсиз, гулга кирган ғўзалар! Эсиз, кўсаклай бошлаган ғўзалар! Сендай тепса-тебранмаснинг қўлида хароб бўлди-ку! – деб бақирди.

Раис машинага чиқиб, эшикни қаттиқ ёпди-да, идораси томон жўнаб кетди. У одатда бутун борлиққа заррин нурларини сочиб чиқиб келаётган қуёшдан, шох-шаббалардаги булбуллар нағмасидан, қушлар чуғур-чуғуридан ором оларди. Ҳозир эса бунга эътибор ҳам қилмади. “Хўш, энди нима қилиш керак? Ишидан ризқ-насибаси қийилган, боқи-бағам бригадирга қандай чора кўриш лозим? Туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби келиб, бу далани кўриб қолса, нима десам экан? Кечаси сув кўпайиб кетибди деганимга у киши ишонадими? Йўқ! Аксинча, мени ҳам назорат қилмагансан деб, жазога гирифтор этади. Шунинг учун бригадирни бутуноқ ҳибсга олдираман! Қаматтираман! Вассалом! Унинг ўз ишига совуққонлиги худди ана шундай жазога лойиқ! Айрим раислар шундай йўл тутиб, ҳукуматдан раҳматнома олдилар-ку, ахир!” Раис галифе шимининг чўнтагига қўлларини солиб, далада киядиган этигини тарс-турс босиб, кабинетида у ёқдан-бу ёққа асабий бориб келаркан, узил-кесил ана шундай қарорга келди.

Ҳоналар эшиги шарақ-шуруқ очилиб, бирин-кетин идора хизматчилари ишга кела бошладилар. Раис бош ҳисобчи ва бош иқтисодчини ҳузурига чорлади.

– Олимларнинг тавсияси асосида ишлаб чиқилган давлат

стандартига биноан бир гектар майдонда ўртача 110-120 минг туп гўза ниҳоли бўлиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ўн олтита жўякда ўстирилган жами ниҳоллар сони, бу қаторларни жарлатиб юбориш оқибатида давлатга етказилган умумий зарар миқдорини менга ҳисоблаб беринглар! — деди раис қатъиятли оҳангида. — Бугун, тушликдан кейин иккинчи бригада аъзолари билан йиғилиш ўтказаман. Участка нозирини ҳам чақиринглар. Давлатнинг иши ўйинчоқ эмаслигини, такасалтанглик, худбинлик нимага олиб келишини одамлар сезиб қўйишлари зарур!

Раис шундай топшириқни бергач, бошқа бригадалардаги аҳволни кўриш учун яна машинага ўтириб, далага жўнади. Ҳисобчилар ва иқтисодчилар стол устидаги чўтларини ўзларига яқинроқ тортиб, у ёқдан-бу ёққа шақ-шуқ ташлаб, ҳисобот тайёрлашга киришдилар. Яхши сўздан кўра ёмон хабарнинг қаноти тез бўларкан. Бугун раис иккинчи бригадада мажлис ўтказармиш, бригадирни қамашар экан, деган сўзлар яшин тезлигида колхозчилар орасида тарқалди.

Раис йўлда бораркан қилмоқчи бўлаётган иши оқибатини ўйларди. Қаттиқ чора кўрсам, тазйиқнинг иккинчи учи ўзимга келиб тегса-я? Яхшиси, кўпчилик ҳукмига ташлайман. Аъзолар нима деса, шунга қараб иш тутамиз! Кўнглида шундай қарорга келди ёш раис. Бригада аъзоларини, йўл сарсони қилиб, колхоз клубига чақиргандан кўра, шундоқ қишлоқ биқинидаги дала шийпонига тўплашни афзал билди. Шийпон ёнида ўсган қўшгужум соясига катта-кичик колхозчилар — сувчилар, эркаклар ва хотин-халажлар тушликдан қайтиб тўплана бошладилар. Саратон ўтгани билан ҳануз қуёш тафти энтиктирарди. Чуғурчуқлар қуюқ шохлар орасида паналашади. Бўзтўрғайлар темир қанотларини силкитиб, ҳавода муаллақ туриб сайрайдилар. Осмонда яккам-дуккам оқ булутлар эринчоқлик билан қўзғалади. Фир этган шабада йўқ.

Раиснинг “Виллис” и шийпон олдида тўхтади. Таклиф этилган бош ҳосилот, бош иқтисодчи, участка нозирини, бригада аъзолари аллақачон ҳозир бўлишиб, раисни кутиб туришарди. Гужумлар соясида юзма-юз мулоқот бошланди. Бош ҳосилот иккинчи бригаданинг навбатдан ташқари йиғилишини очиқ деб эълон қилиб, биринчи сўзни раисга берди:

— Биродарлар! Азизлар! Мен хўжаликка раис бўлиб, шу йил кўкламда иш бошлаганимни, сизларнинг бригадангизда эса биринчи марта йиғилиш ўтказаётганимни яхши биласизлар. Шу билан бирга пахта сиёсатининг нима эканини ҳам ҳар бирингиз

тушунасиэ. Ҳозирги пайтда ғўза парваришида совуққонликка йўл қўйган ҳар бир колхозчи ва бригадирга қатъий чоралар қўрилмоқда. Мана, қўшни хўжаликда атиги ярим эгат ғўза майдонини нотўғри юмшатиб, ниҳолларни нобуд қилгани учун механизаторни икки ярим йилга қамаб юборишди. Эвазига раиси қатъиятлилиги учун ҳукуматдан раҳматнома, орден-медал олди. Сизларда ҳам ўта кечирилмас ҳолат рўй берибди: бир эгат эмас, нақ ўн олти жўяк ғўзани сув ювиб кетибди.

Бригадир Эркабойни гуноҳкор қилаяпти. У “Жиянларимнинг тўйига кетгандим, кеча йўқ эдим, бугун келдим” дейди. Бригадирга хоҳлаган чорани қўраверарканмиз. Хўш, ким айбдор?! Биринчи навбатда бригадир! Агар у лоақал суғориш даврида оз-моз уйқудан кечганида, сувчиларнинг ишидан хабар олганида бундай аҳвол юз бермасди. Энди тавба-тазаррунинг фойдаси йўқ. Биз бригадирни ўз ишига совуққонлиги, дангасалиги, уйқучилиги учун фақат ишдан бўшатиш эмас, судга беришга мажбурмиз. Келтирилган иқтисодий зарар қанча эканини ҳосилот ва иқтисодчи айтади. Участка нозири эса шу мажлиснинг ўзидаёқ бригадирни ҳибсга олиб, қамоққа олиб кетади ва ишини судга оширади.

Бригадирнинг юраги шув этди, жонида жон қолмади. Ломлим дея олмай, ранги оқариб ерга қараб ўтираверди. Ҳамма сукутда эди, шунчалик қўрққанларидан ҳеч ким, ҳеч нарса дея олмасди. Ҳосилот ва иқтисодчи навбатма-навбат сўз олишиб, жуда катта иқтисодий зарар келтирилгани, сув жарлаши оқибатида ғўза ниҳолларининг томирлари очилиб қолганини айтишди. Энди уларни тиклаб олишнинг, аввалги авжига келтиришнинг мутлақо иложи йўқлиги тўғрисида гапирдилар. Бригадир Уммат Хидиров ҳибсга олинishi зарур, деган хулоса чиқаришди.

Ҳар нечук раиснинг қўнглидан “Бригада аъзолари нима деркин?” деган мулоҳаза ўтди. Ўтирганларга қараб:

— Кимда гап бор? — деб сўради.

Шу вақт хотин-халажлар орасида ўтирган бир опа қўл қўтарди. Раис уни дарров таниди:

— Гапиринг, Шарофат опа, нима демоқчисиз? — деб сўради.

— Аввало, сизларга раҳмат, бригадамизга келиб, бу ишни муҳокама қилганларингиз учун, — деди Шарофат опа. — Бригадир ўз ишига ҳақиқатан совуққонлик қилган. Энди уни қаматсаларингиз ўнта боласи бор. Биринчидан, болалари чирқиллаб қолади, иккинчидан, колхоз ишидан ҳаммамизнинг қўнглимиз совийди.

— Қайнисининг ёнини олаяпти, — дея луқма ташлади бош

ҳисобчи.

— Нима бўлгандаям, оғайинлар-да! — уни қувватлади бош ҳосилот.

— Гап қўшилмасин! — деди раис. — Қани, давом этинг, Шарофат опа!

— Яхшиси бригадир кўпдан кечирим сўрасин! Ишларини ўнглаб олишга ваъда берсин! Унга бир-икки ҳафта муҳлат берингизлар... Сув ювиб кетган, томирлари очилиб қолган ниҳолларни яна тиклаб олса бўлади. Бунинг учун ҳар икки қадамга маҳаллий ўғит сочиб, ғўза тупларини кўмиб чиқамиз ва яна қайтадан озроқ сув тараймиз.

Шарофат опанинг сўзларидан сўнг раис ўйланиб қолди. Айниқса, ҳали ниҳолларни тиклаб, авж олдириб юборса бўлади, деган сўзлари ва бунинг йўл-йўриғини айтгани раисни ҳовуридан туширди-қўйди. Бригадирни қамоқ билан жазолашдан кўра, ишлар ўнгланиб кетиши раис учун муҳим эди. Шу лаҳзаларда унинг шуурида умид уйғонганди. Ана шу уни тўлқинлантириб юборди:

— Шарофат опа, бугундан бошлаб иккинчи бригадага шахсан ўзингиз бошчилик қиласиз. Тажрибангизни ишга соласиз, ғўза ниҳоллари авжини тиклайсиз. Умматни эса ишдан бўшатдик. Қаматтириб юбормаганимизга шуқур қилсин. Сиздан илтимос, Шарофат опа, йўқ деманг! Бутун фикру зикрингиз, ғайратингиз билан ғўзаларни тиклашга киришинг! Сизга барча зарур ёрдамни кўрсатамиз. Сайдулло табелчингиз бўлади. Эшмамат Тўрабоев механизатор. Қалай? Нима дейсиз?

Раис Шарофат опани шу ернинг ўзида, кўпчилик орасида бригадир бўлишга кўндирди. Янглишмаган экан: опанинг тажрибаси билан талофат кўрай деган ғўза ниҳоллари тўлиқ сақлаб қолинди, ўша йилнинг ўзидаёқ бригадада ҳосилдорлик 40 центнерга етказилиб, режа ошиғи билан уддаланди. Ўзимнинг ҳам ўсмирлик даврим ўша йилларга тўғри келганди. Олти эркак, собиқ бригадир ҳам: “Аёл раҳбарнинг қўлида ишлашга ор қиламиз!” деб, қўшни вилоятга ишлашга кетишди. Бироқ, орадан бир йил ўтар-ўтмас, ишлари юришмай, юзлари шувит бўлиб қишлоққа қайтиб келишди. Опа эса қаторасига уч йил бригадирликда ишлаб, режаларини мунтазам ошиғи билан бажарди, давлат мукофотлари, орден-медаллар олди. Кейин қариллик нафақасига чиқди. Эсиз, Эшмамат ака ёш кетди. Кунларни тунларга улаб ишлайдиган, серғайрат, виждонли, ҳалол инсон Эшмамат Тўрабоев баҳорикор даладан қайтаётганида кечқурун, йўлда фожеали вафот этди.

Дунёнинг ишлари шунақа экан. Эндиликда чин дунёга кетган ўша раисни ҳам қишлоқ одамлари файзли-баракотли одам эди, деб эслашади.

\*\*\*\*\*

*Юрган дарё*

### АВЛИЁ СУЛТОН УВАЙС

Авлиёлар авлиёси, бошқача айтганда авлиёлар султони Султон Увайс ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам замонасида яшаб ўтган исломнинг буюк тарғиботчиларидан биридир. Авлиёлар султони деган унвонни, даражани унга Расулulloҳнинг ўзлари берганлар. Улар ғойибдан дўст бўлишган. Пайғамбаримиз бу инсонни яхши кўриб, меҳр кўйиб, унга тўн ҳадя этганлар ва бандаларининг гуноҳларини Аллоҳдан сўрашликни башорат қилганлар.

Султон Увайс Саудия Арабистони ҳудудида туғилиб ўсган бўлса ҳам авжи йигитлик даврида ислом тарғиботчиси сифатида Қорақалпоқ ўлкасига келиб қолади ва Қоратовнинг жанубий қисмидаги кичик бир овулда қўним топади. Лекин Пайғамбаримиз талабини бир дақиқа ҳам унутмай, қаерда бўлмасин мўмин-мусулмонларнинг катта-кичик гуноҳларини мағфират қилишликни, бандаларини жаннати этишликни сўраб худога илтижо қилади.

Авлиё ҳар куни намозшомдан то ярим тунгача баланд қир устига чўкка тушиб, Роббимизга илтижо қиларкан, бир куни унга ғойибдан Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг динсизлар бирла тўқнашувда олдинги тиши сингани маълум бўлади. Пайғамбар қандай оғриқни бошдан кечираётган экан, жонлари қандай озор чеккан экан, буни мен ўз жисмимда синаб кўришим керак деб, Султон Увайс ўз тишини тош билан уриб синдиради. Бу ердаги тоғ тошларга унинг оғиз қонлари тўкилади. Султон Увайсга қараб, унинг соч-соқолини олиб, ювинтириб юрган инсон ҳам ўшанда шу ерда бўлган. У кишини Султон Увайс “Чинорим” деб атарди. Чинор бобо ҳар тунда авлиёни кўлтиқлаб не-не машаққатлар билан ўтовига олиб келаркан. Намозларида ҳам, илтижоларида ҳам Пайғамбаримиз башорати ёдидан фаромуш бўлмаганди.

“Эй, поки парвардигоро, барча мўмин-мусулмонларнинг гуноҳларини мағфират қилгин, уларни жаннатингдан баҳраманд

этгил” деб илтижо қилаётган кунларнинг бирида ғойибдан: “Уларнинг дўзахилари ҳам бор”, деган садо келади. Шунда Султон Увайснинг фикри чалғийди. Ерда зилзила содир бўлади. Чўкка тушиб ўтирган авлиёнинг тиззалари-ю оёқларини тош кесиб, қонаб кетади. Авлиёнинг вужуди шу қадар оғирлашган эдики, у ўтирган жойида чўкади, тоғу тошлар устида тиззалари, оёқларининг изи қолади. Пастга қараб тошлар юмалайди. Бу ерда хануз онда-сонда бўлсада, тош юмалаб тураркан.

Шундай қилиб яғмолар билан бўлган жангда авлиё вафот этади. Уни дафн этишда ҳам муаммо юзага келади: Султон Увайс жасадини шу ерга қўйиш керакми, ёки мўмиёлаб Арабистонга олиб кетиш керакми? Ерли халқ вакиллари авлиёни шу ерга дафн этиш керак деб ҳисоблайдилар. Шунда араблар подшоҳидан қуйидаги мазмунда фармон бўлган: “Султон Увайс ўша ерга дафн қилинсин, тупроғидан келтирилиб, Арабистонда унинг “рамзий мақбараси” барпо этилсин”.

Шу тариқа, Ер юзининг етти шаҳрида авлиё Султон Увайснинг рамзий зиёратгоҳлари ташкил этилган. Қорақалпоқ юртидаги бу тоғ эса, ўша даврдан бошлаб Султон Увайс тоғи деб атала бошлаган. Хоразмшоҳ Аллоҳқулихон 1836-1837 йилларда авлиё қабри устига қўркам хонақоҳ қурдирган.

Бу қадамжо деворлари, гумбаз кунгиралари гарчи нақшлар билан безатилмаган бўлса-да, салобатли, қўркам ва озода. Ичкарига гиламлар тўшалган, салқин ва шинам. Чинор бобонинг қабри ҳам шу ерда – авлиёнинг ўнг томонида. Деворларга, айвонларга авлиё айтган сўзлардан намуналар ёзиб қўйилган. Айниқса, умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги фикрлари кишида алоҳида кайфият уйғотади. У жумладан шундай дейди: “Ўлим ухлаганингда ёстигинг тагида турсин, уйғоқлигингда кўз олдингда бўлсин, ҳамиша ўлимга тайёр тур”.

Ўша ёзувлар сўнггида зиёрат қоидалари битилган. Масалан: Аллоҳ йўлида бирор жонлиқ сўйилган тақдирда, уни зиёратгоҳда тановул қилинадиган бўлса, бир оила аъзолари эмас, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари билан биргаликда пишириб ейиш, аталган нарзаларни мулланинг қўлига эмас, махсус темир қутига солиш, мақбара атрофини айланмаслик, бирор тошни ўпмаслик, ёки қўл теккизиб тавоф этмаслик лозимлиги тўғрисида айтилган. Зотан теғрасини айланиш, ўпиб ёки қўл теккизиб тавоф этиш фақат Каъбатуллоҳга хослиги уқтирилган.

Бу сўзлар зиёрат мазмундорлигини оширади, ҳамжиҳатликни

ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайди. Хулоса қилиб айтганда, Султон Увайс ҳақиқатдан ҳам авлиёлар султони бўлганлиги билиниб турибди<sup>1</sup>.

\*\*\*\*\*

Ҳажвиялар

### ДАҲАНАКИ ЖАНГ

Мактабга янгидан ишга келган ўқитувчининг жамоага чой бериш, яъни “ишни ювиш” анъанаси жорий этилган. Худди шу «чой» баҳона кексароқ ва ёшроқ муаллим ўртасида кутилмаганда даҳанаки жанг бўлди. Барисига қуриб кетгур диплом сабабчи.

— Абдишер, ўқишни битирдингми? — сўради Фуломқодир.

— Э-э, ҳали эшитмадингизми, дипломни ҳам олиб келиб қўйдим-ку, — деб кулди Абдишер ўнг қанотда ўтирган Бутаёр акага кўз қисиб.

— Оббо, сен-эй, мундоқ дипломни ювамиз ҳам демайсан-а, — Фуломқодир худди қорни очикқандай тамшанди. — Роса тежамкор, зикна бўлиб кетибсан-да, ўзинг ҳам...

— Турмушнинг ўзи ҳаммани шу куйга солиб қўйди, — беихтиёр гурунгда қўшилди Бутаёр ака.

У шу гапни айтди-ю, эҳтиётсизлик қилганини, Абдишернинг қитиқ патига текканини кейинроқ тушунди.

— Ҳали сиз ҳам мени зикна деяписизми? — Абдишер истеҳзоли кулиб Бутаёр акага юзланди. — Ишга кирганингни юв дедиларингиз, ювиб бердим. Тўйга бордиларингиз жамул-жам бўлиб... Хўш, ўзингиз нима қилиб бердингиз?..

Гапни бошлашга бошқалар бошлаб, Бутаёр акага ташланаётганининг сабаби, у кишининг ёши катта бўлсада Абдишер менсимайди, камбағал деб ҳисоблайди. Бутаёр ака бир дақиқа нима деярини билмай, гарангсиб қолди. Шу пайт илмий мудир луқма ташлади:

— Ўрдаклар, эсиз ўрдаклар!

— Шу ўрдакларниям, қайси бирингиздир, отдингиз-ов... Ариққа тушиб, узоқларга сузиб кетишдими?.. Ёки биров ўғирлаб кетдими?.. Ҳайтовур, ҳеч ўрдакка ялчимай қолдик.

Катта танаффусда «Услубчилар хонаси» дагилар ўртасида гурр этиб кулги кўтарилди.

<sup>1</sup> Ушбу маълумот ва таассуротларни Қорақалпоғистонга қилинган сафар пайтида қаламга олдим.



...Аслида шу билан боғлиқ бир гап бўлганди. Бекорга ўрдак тилга олинмаганди. Бутаёр ака бирор одамга «ўрдак билан меҳмон қиламан» деб ваъда бермаган. Кўкламги шанбаликлардан бирида эса «Ўрдаклардан иккитасини сўйиб берай, майлига, келинглар», деб чақирганида бирор инсон уникига боришга журъат эта олмаганди. Яна айрим касбдошлари «ўрдаклар» деб гина қилишни кўйишмасди.

Аслида шаҳардан қишлоққа кўчиб кела солиб Бутаёр ака мол-ҳол, кўй-қўзи, товуқ-ўрдак боқа бошлагани айримларнинг гагини келтирар, улар «бу одамнинг ҳам ошини ейиш керак, ҳам бошини» деб ҳисоблашарди. Бу ғаламисликни Бутаёр ака яхши тушунар, насиб этса, бир кун албатта чой қилиб бераман деб, арқонни узунроқ ташлаб кўярди.

Бу ҳолатни таҳлил этаркан Бутаёр ака ўзига-ўзи савол берарди: «Бир жамоада бўлиб менинг кор-ҳолимга қайси бирови яради? Нима ҳашар-пашар бўлишдими, оғиримни енгил қилишдими ёки касал бўлганимда келиб сўрашдими? Хўш, нега чой-пой қилишим керак экан?! Ростда, чой-пой ўзаро ҳурмат-иззат бўлганда ичилса чиройли чиқади. Кўролмаслик, хусумат билан бўладиган чойнинг охири вой-ку!..

Лекин, барибир бир кунмас-бир кун дилдаги гап тилга чиқаркан, одамлар вужудида ички портлаш содир бўларкан. Шунда ҳар қандай гап юзхотирчиликка бормаё дангал айтилади, даҳанаки жанг юз беради. Кейин эса одамлар бир-бирларини янада яхшироқ тушуна бошлайдилар. Ҳозир ёш муаллим Абдишер ҳам, Бўтаёр ака ҳам шунақа ҳолатда эдилар...

— Абдишер! — деди бир пайт Бўтаёр ака фаромуш фикрини жамлаб. — Мен сенинг отанг қатори одамман. Қолаверса, ўқитувчинг бўламан, дарс берганман. Қани, айт-чи, сенга бирор марта ишга кирганингни ювиб бер деб айтганмидим?! Хўп, яхши ишингни ювган экансан, эл қатори бориб, чойингга шерик бўлибман. Икки йил илгари берган чойингни миннат қиляпсанми?! Тўйингни эса гапирма, ука. Сен таклиф этгансан, биз тўёна билан борганмиз. Вассалом! Яна нима демоқчисан?!

— Домла, ўлар-қолар жойда эмассиз-ку, хотинингиз дўхтир, болаларингиз улғайиб қолишди...

— Одобингга қара, Абдишер, ўзингга мундоқ баҳо бер, ахир! Сен ота-онанг бағрида, ҳеч нарсани ўйламай, ўйноқлаб юрибсан. Мен эса ҳар бир ишни «нол»дан бошлаб қиляпман. Буни билиб кўй! Ўғирлик қилганим йўқ. Ҳар йили озми-кўпми қурилишим

бор, девор кўтараман, томорқа экаман, оила боқаман. Сендан бирор нима сўраганим йўқ-ку?.. Нега гўддаясан, катта кетасан?! Чойни ўйлагунча ўзингнинг саводинг ҳақида қайғур! Ўз устингда ишла! Бақириқ-чақириқ қилганинг билан ҳар ишда бошдан-оёқ хато қиласан-ку! Ёки ёлғонми?!

– Саводимга тил теккизманг, домла! – деди Абдишер энсаси қотиб. – Пул асри бошланганидан хабарингиз борми-йўқми?! Пул ҳар қандай саводдан устун!!! Буни тушуниб етгунингизча, чамамда асфаласофинга кетиб қоласиз!

Хонада кулгу янгради. Абдишер ташаббусни кўлдан бой бермай, шитоб билан сўзлашда давом этди:

– Яхшиси, домла, ҳозир «Шаблада»га борамиз. Ўша ерда ё бир порсдан кабоб, ё бир жуфтдан сомса еймиз. Атиги битта ароқ ичамиз. Лекин, билинг, домла, ўша ерда танга отишамиз. Сиз танлаган тарафи тушса мен, мен танлаган тарафи тушса сиз пулини тўлайсиз! Келишдикми?

– Дамингни ол, Абдишер! Кабоб егандай, сомсага тўйгандай бўлдим. Оч қорним, тинч қулоғим. Тадбирингга бормаганимда эди фалончи бир қишлоқда яшаб, бир жойда ишлаб бизларни менсимайди, деб гап чиқарардинг!

Яна кулгу янгради. Кейинги дарсга кўнғироқ чалинди.

\*\*\*\*\*

## ТУЛКИ ВА КУЛГУ

Туёқлига меҳмон бўлиб борганимизда мезбонлар орасида умрида кулмаган, кула олмайдиган, аниқроғи, кулишни истамайдиган, ўта жиддийлигидан ва золимлигидан афти-ангори захил тортиб кетган бир одамни учратдим. Шу киши бир яйрасин дейишдими, ўша ёқлик тангқурларим ҳол-жонимга қўйишмади-да:

– Отабой ака, тулкини қандай ушлаб олганингизни яна бир бор айтиб беринг, илтимос! – деб қолишди.

Ноилож, бир уй одам ичида ҳикоямни бошладим:

– Ўшанда қирқдан ошган қирчиллама жигит эдим. Саккиз тракторчи уч минг гектарли Аламли даштини «ДТ-54» занжирли тракторлар билан шудгорлардик. Мен Эшбой жиан билан олдинмакейин борадиган йўналишда эдим. Ишни кечаси-ю кундузи тўхтатмасдик. Қовун-тарвузга мўлжалланган майдонларни эса нуқул оқшомлари, тўрт-беш марталаб қайта ҳайдардик ва ерни талқон

қилиб юборардик.

Бир куни оқшом оппоқ бир тулки плут тортиб, гуриллаб кетаётган тракторим атрофини икки-уч марта айланди. Юз қадамлар чамаси олдинда чироқлари порлаб Эшбой жиян борарди. Мен, аввалига, уни ажинамикан деб ўйладим. Йўқ! Ҳақиқий тулки! Ўз йўлига кетавермагач, ушлаб олмоқчи бўлдим: тракторнинг чироқларини ўчирмай, моторни секин юргизиб, ўриндиққа энадан янги туғилгандай, қип-яланғоч ечиндим. Кабина эшигини шартта очиб, ўзимни тулки устига олдим. Жонивор, хуркиб кетди ва тез бурилиб қоча бошлади. Олдинда бораётган Эшбой жияннинг трактори йўлини кесиб ўтиб узун оппоқ думини чапга ташлаб, ўнг томондаги юмшоқ шудгорга тушди. Мен жон-жаҳдим билан қувардим. Тулки шудгордан чиқишига беш қадамлар қолганида орқа оёғидан ушлаб олдим. Кейин орт бўйнидан маҳкам тутиб, юриб бораётган чироқлари ёниқ тракторимга бир сакраб чиқдим ва тулкини кабинадаги темир қутига солиб қўйдим. Эрталабки чойда Эшбой жиян: “Менга кўриндимикан, ё сиз ҳам кўрдингизми, Отабой тоға, ярим оқшомда оппоқ тулкини қувиб, қип яланғоч бир одам менинг олдимдан кесиб ўтиб кетди. Одамми, арвоҳми, жин-ажинами, англай олмай қолдим, — деди.

— Мен ҳеч нимани кўрганим йўқ, билмадим, — дея жавоб қайтардим.

Очиғи, тракторчилар узоқ, кимсасиз даштда, айниқса, зимзиё оқшомлари ишлашади. Бундай ҳолда тасодифлардан ҳар қандай бошқа одам ҳам сесканиши ҳеч гап эмас. Ахир ўзимиз болаларимизга кичкиналикларидан бундай жойларда жин-ажиналар бор деб кўрқитамизда.

— Эшбой-жиян, сенга нимадир доримоқчи бўлибди, — дедим унга нонушта сўнггида. — Қишлоққа қайтганимиздан кейин хотинингга еттига чўзма ясатиб, тиловат қилдириб юборасан-да, мен ҳам қолиб кетмайин.

Кўноқдагилар гурр этиб кулишди. Ҳалиги, кўриниши золим, захил тортиб кетган одамга қараб-қараб кўярдим. Ҳикоямни давом эттирдим:

— Даштга бир куни туманимиз раҳбари, саркотиб Арслон Ҳакимов, ижроком Ҳамроқул Ўрозқуловлар бизлардан хабар олгани боришди. Улар билан кўм-кўк бўзда бир майдон кўр бўлиб ўтирдик. Шунда, менинг тулки ушлаб олганимни, айниқса, қоронғуда қозонга сакраб тушган ва ош билан бирга пишган қурбақани чайнаб-чайнаб, бу гўшт эмас, аччиқ нарса-ку,

деганимни эшитишиб, улар думалаб-думалаб кулдилар, кўзларидан ёш чиқиб кетди, дедиму яна ҳалиги кишига кўз қиримни ташладим. У лаблари ёйилиб, атиги бир лаҳза «хих» деди, холос.

\*\*\*\*\*

## ДОРИЛИК ГҶШТ

Айтишларича, исломда мутлақо ҳаром ҳисобланган ит гўшти жуда кўп дардларга даво экан. «Ба нияти шифо, бисмиллоҳу Аллоҳу Акбар» деб сўйилса бу жонзот гўшти ҳалолга айланармиш ва бемалол истеъмол қилса бўлаверармиш. Чаласавод, иймони мужмал муллалардан бирининг шу гапидан кейин Томдиқўрғон қишлоғида катта-катта, баҳайбат итлар бирин-кетин йўқолаётган экан. Уч-тўрт улфатлар билан ўтирганимизда шунга боғлиқ ҳангомага дуч келдим.

— Наққина сонидан бир шўрвалик узиб олишни мўлжаллаб, ириллаб турган бўрибосар олдига пичоқ кўтариб яқинлашишга ким журъат этаркан?! — деди бирови.

— Журагиям тов бўлиши керак-да, жигиттинг! — деди бошқаси.

— Бунинг йўли бор-да, — қўшилди бирови. — Кўй гўшти, ёки мол гўштининг қассоб ҳаромга чиқарган безли ёғли жойиданми, бўйин томириданми, атиги бир бўлагини сўраб олиб, икки дона «димедрол»ни ичига жойлаб, ит олдига ташласангиз, ҳар қандай баджаҳл, қопағон кўппак ўн дақиқада юввош бўлади қолади...

— Кейин аста мизғийди-я?..

— Сўнгра овлоқроққа судраб кетиш, кучингиз етса, кўтариб кетишингиз, хоҳласангиз оёқларини танғиб, жағини кўтариб, чалиб юбораверишингиз мумкин.

— Яқинда туман марказида яшайдиган тузук бир одамникига иш билан бориб қолдим. У киши бизларни, мен эса у одамнинг оиласини яхши биладман. «Дадам бир жойга чиқиб кетган эдилар, ичкарида кутиб турунг амаки, ҳозир келиб қоладилар», деди келини ва дарвозахоналарига ёндош ошхонасига киритиб, стол атрофидаги курсилардан бирига ўтқазди. Олдимга нон қўйди, чой дамлади. Парварда, конфетдан ташқари совутгичдан усти дириллаб турган бир товоқчада яхна чиқарди. Шу пайт совутгич ичига кўзим тушди. Музхона остидаги қаторда аллақандай қорамтирроқ гўшт мўл эди.

— Болам, — дедим келинга, — музлатилганидан кўра анави гўштан икки-уч бўлак қовуриб қўя қолсанг бўлмайдими?

— Бўлмайди-да, амаки.

— Нега?

— У дорилик гўшт-да!

Дарров тушундим. Итникими, деб сўрашга ботина олмай, «вов-вовникими?» дедим. Келин эса, эшитилар-эшитилмас «ҳа» деди ва бош ирғаб тасдиқлади.

— Эсонлик бўлсин, ишқилиб...

Бу кетишда омон-эсон итлардан ҳам қутилиб оларканмиз, деб ўйлайман.

\*\*\*\*\*

НАЗМ

### СЎНГИ ИМКОН

*Альфред де Мюссенинг “Хол” новелласини ўқиб...*

Шаҳзодага мактуб битди тонгда малика,  
Ҳарир куйлак елкасидан кетди сирғалиб.  
Вужудимда ғайри оташ, ғайри таҳлика —  
Турар эдим ортинда мен титраб, ирғалиб.

Бир дона хол маликанинг оппоқ кифтинда,  
Қорачиғим шоша-шоша силар у холни.  
Асов имкон жавлон урди бўйдоқ кафтимда,  
Қучолмадим аммо мағрур, одил аёлни.

Мактуб битди, уни олиб кетдим овора...  
Сутдек вужуд кўзларим-ла ўтди жонимга.  
Уйқулардан бездирди у, дардим, начора,  
Ҳадиа этдим сўнгра жасур қаҳрамонимга.

### УЗОҚДАГИ ДЎСТЛАРГА

Бир четида юракнинг қолиб бормоқда армон,  
Эмас у шитоб билан ўтган ёшлик хумори.  
Кулгу-суҳбат гаштимас, эмас улфати жонон,  
Кўксимда қолган соғинч — у эски дўст дийдори.

Бизларни таништирди ўтли нигоҳ, тафтли қўл,  
Овулимиз бегона, уруғ-элат бегона.  
Баҳс бойлашдик гоҳида, гоҳ кўрсатдик равон йўл,  
Гоҳо бўлдик бир-бирга туғишгандек парвона.

Меҳрмиди, билмайман, сеҳрмиди ногоҳон,  
Ишончу қувонч билан очардим дил-бахримни.  
Майда-чуйда гапни деб, гоҳида қайнаб чунон,  
Ҳеч нарсадан тап тормай, сочардим фил-қаҳримни.

Зарб урдингиз залворли ўшанда сақлаб сукут,  
«Тушунади бир куни — қолмагай гина-қудрат.  
Аламли дамлар бўлгай босириқ тушдай унут,  
Ўғитларга на ҳожат, яхсиси қолсин ҳурмат».

Сира эсдан чиқмайди мажорасиз чўзилганда,  
Сиз узатган бир қошиқ шифобахш ўшал таом.  
Ёруғ дунёдан буткул умидлар узилганда,  
«Ўзингни қўлга ол!» деб, сиз айтган ўшал калом.

Сиз каттасиз, кичиксиз, тенглошимсиз жонажон,  
Сизга баён айлайман барча узр-арзимни.  
Мени бу кун қийнайди битта ўтинч, бир армон:  
Узолмасман эҳтимол, сизлардан кўп қарзимни!

Исмингизни унутсам, дарҳол юз буриб кетмай,  
Беғубор кунлар ҳаққи, мени аста кечиринг.  
Юпанч керак унга деб, заррача раҳм этмай,  
Ўғил тўйларга айтмай, сафингиздан ўчиринг.

Сиз ўйлаган сингари, мабодо яхши одам,  
Бўлганимда келингиз, бирин-кетин қошимга.  
Қилманг асло илтифот, керак эмас шароб ҳам,  
Тогдай ташвишингизни кўтаргайман бошимга.

### УМИДИМ РИШТАСИ

*(М.Т. Ойбекнинг 100 йиллигига)*

Фалакка ўкинчла қарай олмадим,  
Билмасди у менинг оху-зоримни.  
Умидим риштасин ҳеч узолмадим,  
Бедорлик, ҳаяжон олди боримни.

Ғойибдан келарди умид кўп замон,  
Бардошга айланиб жонга синггарди.  
«Ғуссалар ўткинчи, сўзимга ишон!» —  
Дерди-ю курашга, ишга ундарди.

Шу умид баридин тугиб, тилим лол,  
Хушёр қулоқларим охир том битди.  
Оқибат умиддан кўрмадим завол,  
Гарчи ҳорғин вужуд оламдан ўтди.

Бугун ўша умид сенга, набирам,  
Жавонингдан боқиб бермас тинчликни.  
Рухингга кўнглимни баралла айтсам:  
Мен ёмон кўрганман ноумидликни!

### ЁЗИШИМ САБАБИ

Ғойибона севинч, ўкинчи  
Билдиrolмас гуриллаган овозим.  
Шундай пайт,  
Хўш, қайдан топаман кучни —  
Уни сизга айтмоғим лозим.

Яширсам, у севинч, у ўкинч,  
Кўксимдан кетмайди босилиб.  
Излайман,  
Дафъатан, бир илинж —  
Қолмай деб ўзимга осилиб.

Безовталикларим  
Оққа тўкиб солиб,  
Қаршингизда масрур тургайман.  
Мамнун чеҳрангиздан  
Чексиз қувват олиб,  
Саболардек яйраб юргаёман.

### АФАНДИ

«Биласизми, сизга нима айтмоқчилигим?»,  
Деб сўрайди халойиқдан Афанди «айёр».  
Уни тинглаб бир дақиқа ҳамма қолди жим,  
Ўй-фикрни ушбу жумбоқ этганди душвор.

«Йўқ, билмаймиз, айтақолинг», деди аллаким,  
Савол билан боқар эди бир тўп оломон.  
Шўх Афанди ўзни чоғлаб гўёки ҳоқим, —  
«Билмасангиз, деди, айтиб, нима қиламан?!»

Шу Афанди бошқа бир кун йиғинга келиб,  
«Биласизми, нима дейман?» яна сўрабди.  
Одамлар-чи, унга қараб қотибди кулиб,  
«Ҳа, биламиз, қўявер», деб бири сайрабди.

Кўпчиликдан изза бўлиб қизиқчи шўрлик,  
Мунғайибди, бу ёғини тавсиф этмайман.  
Бироқ шундай лаҳзада ҳам қилмабди гўрлик,  
Дебди: «Агар, билсаларинг яхши, айтмайман».

Яна бир кун эрмакданми, қурғур Афанди,  
«Биласизми?... Биласизми?..» дея сўрармиш.  
«Яримимиз биламизу, ярмимиз анди»,  
Йиғилганлар дувиллашиб унга қарармиш.

Қаҳқаҳага шайланаркан аввал кулганлар:  
«Гўл Афанди албат бу гал сўзда янглишсин!»  
Афанди-чи, дебди: «Майли, ўша билганлар —  
Қолганларга билганини аста айтишсин».

Шундай қилиб, очилмасдан қопти ўша сир,  
Мардумларни қийнапти шу ғалати жумбоқ.  
Қизиқчи чол не дейишга жазм этган ахир?  
Мухлислари ҳали-ҳали топмабди, бироқ...

Бироқ, асли дунёнинг кўп ишлари чигал,  
Синоатга тўлиб-тошган унинг ҳар банди.  
Уни ҳеч ким билолмаган аниқ, муфассал,  
Кўп сўрасанг, шу боисми, дерлар Афанди.

### СОҲИБ АКАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

*Фафур Гулом таваллудининг 100 йиллигига*  
Фафур ака, бугун бир туш кўрдим, уйғониб,  
Сизни қумсаб, тонг маҳали узоқ ўйландим.  
Хотиралар уммонига чўмиб, инониб,  
Кўрганларим руҳингизга бир-бир сўйландим.

Мен сиз билан бу тушимда, кўркам наҳорда —  
Эскижўва бозорига борган эмишман.  
Нозу неъмат тўкин эмиш қадим бозорда.  
Ортингизда белбоғ ушлаб юрган эмишман.



Сизда ўша, аввалгидек тантилик, шўхлик,  
Чехрангизда қулф урармиш дониш латофат.  
Кўзингизда меҳру сеҳр, эгнингиз кўҳлик,  
Қирчиллама қаддингизда савлат, салобат.

Мевалардан бир-бир татиб, ўтдингиз мақтаб,  
Сўзи хандон, фикри зилол даврон эдингиз.  
Сават-сават узумларнинг олдида тўхтаб,  
«Қани, Соҳиб, белбоғни еч энди», деддингиз.

Уч-тўртта бош ҳусайнидан ташлаб белбоққа,  
Сўз қотдингиз шаддодгина сотувчи қизга:  
«Момақаймоқ, қай кўчадан ўтдинг бу ёққа?  
Шундай узум келтирибсан, киргайсан юзга!»

«Даданг кимдир, Матқовулми, мендан салом айт!»  
«Холмат...», дея сотувчи қиз жилмайди зимдан.  
«Э-э, Холматми, унга атаб тўқиганман байт,  
Фафур Фулом олди дегин, бизнинг узумдан».

Соҳибкор қиз ял-ял ёниб, кулди қувониб,  
Неъмат тўла қийиқни мен зўрға кўтардим.  
Кўтардим шу чоғ бирдан қолдим уйғониб,  
Уйғонмасам нетарди, деб роса ўртандим...

Уйғонмасам сизникига борардик албат,  
Келинойим димламани димлар биқтириб.  
Иссиқ-иссиқ чойдан ҳўплаб, қуардик суҳбат,  
Яйрардингиз ўтган-кетган гапдан уқтириб...

Хиросима даҳшатини сиз билардингиз,  
Нейтрондек машъум вабо борлигини ҳам,  
Аммо вазмин, осойишта, гоҳ қулардингиз,  
Дер эдингиз: «Халқ қудратли, чўчима, бўтам!»

...Фафур ака, бугун менга туюлар ҳаргиз  
Қадамингиз қўмсагандай **наҳорги** бозор.  
Ўша **шаддод**, **момақаймоқ** ва хушбичим қиз,  
Сиздагидек **тантиликка** ҳамон интизор.

Сиз бўлсангиз, йўлларимда учрайсиз гўё,  
Мана, ҳозир, гапларимга кулиб турибсиз.  
«Болажонлар, обод бўлсин умрингиз», дея,  
Ўттиз беш йил нарисида ўйчан юрибсиз...

\*\*\*\*\*

Йиллар, бесабаб йиллар...  
Сангзор адирларида,  
Ўймовут қирларида  
Қўй-қўзи боққанимни,  
Миртемир шеърин ўқиб,  
Ўзим ҳам ашғор тўқиб,  
Ўзимга ёққанимни  
Сиздан сўрайми, йиллар.

Шаҳринисо қўлидан  
Биринчи бор хат олиб,  
На-да қўли, дилидан  
Худди муҳаббат олиб,  
Ишқида ёнганимни,  
Сўнг эса доғда қолиб,  
Роса ўртанганимни  
Сиздан сўрайми, йиллар.

Йиллар... кўпни кўрсатиб,  
Ҳаёт завқин ўргатиб,  
Оширдингиз қувватим,  
Ҳам руҳимнинг қудратин.  
Энди битта инсондек,  
Феъли кенг, азиз жондек,

Кўрганим қувонч бўлса,  
Ҳовлим шодликка тўлса,  
Охир, бир кун, барибир  
Дармоним «даъво» қилса,  
Ёш кучим, ҳароратим  
Сиздан сўрайми, йиллар.

Йиллар, бесабр йиллар...  
Майли, фарзандга ота,  
Куёвга-чи қайнота —

Донгдор мўйсафид бўлсам,  
Шул даврга муносиб,  
Кўп гўзал ишлар қилсам,  
Сўнгги дамда ҳаётдан  
Кўнгли тўқ бўлиб кулсам,  
Розиман, сиздан, йиллар.

\*\*\*\*\*

Ўтиб келдим, новдалари қор,  
Изғиринли еллари бисёр,  
Бағри юпун, хомуш боғлардан...  
Салобатин туман яширган,  
Сойларини аёз шоширган,  
Мум тишлаган адир-тоғлардан...

Ўтиб келдим, гуллаган қийғос,  
Қалдирғочлар кўйишган ихлос,  
Шўх саболар эсган боғлардан...  
Гулдираклар ларзага солган,  
Жилғалари кўпириб қолган,  
Барқутранг қир, адир-тоғлардан...

Ўтиб келдим, нурга йўғрилган,  
Шарбат билан шохи эгилган,  
Соя-салқин маскан-боғлардан...  
Чўққисида гарчи ёғар қор,  
Сийнасида бир олам виқор,  
Ҳароратли водий-тоғлардан...

Ўтиб келдим, бетизгин шамол,  
Япроқларни айларкан увол —  
Ожиз қолган нотинч боғлардан,  
Ирмоқлари жимираб оққан,  
Илтижо-ла йўлларга боққан,  
Яланг адир, асир тоғлардан...

Ўтиб келдим, шунда дўстларнинг  
Келди менга жуда ҳаваси:  
«Фасларга бўлибсан йўлдош!»,  
«Манзилларга қилибсан бардош!».  
Менинг эса кипригимда ёш.

Ҳамма ҳайрон.  
Бу ҳол нимаси?!  
Билмам, кўнглим эркаядими,  
Кенгликларнинг тоза нафаси.

### ҚОРХАТ

Илк қор учқунлаган қишнинг кунда,  
Ошиқ суйганига ёзибди қорхат.  
Қиздан бир табассум сўрабди унда,  
Табассум, табассум, табассум фақат!

Марраси эшиқдан чиққунча экан,  
Мактубни тутқазиб қоча қолибди.  
Эшиқдан чиқмоқлик унга гапмикан —  
Ўйинда шўх қизни енга олибди.

Маъшуқа кўрқиброқ очибди хатни,  
Ўқиб кўрибди-ю кулибди роса.  
Оғир билган экан ундаги шартни,  
Шартга ўхшамасмиш бундоқ қараса...

Ошиқ жилмайганча турар бахтиёр,  
Ахир ерда қолиб кетмади сўзи.  
Қиз бўлса қорхатни унутиб, бу бор —  
Ўзининг ҳолидан куларкан ўзи.

\*\*\*\*\*

Маошимни сўрабсан, эвоҳ,  
Мактуб битиб узоқ шаҳрингдан.  
Афсус, сени этмасдан огоҳ,  
Кечмоқдаман бу кун баҳрингдан.

Сенинг билан толиблик кўни,  
Кўчаларда қувнаганмиз биз.  
Билмай туриб асли севгини,  
Севдмачак ўйнаганмиз биз...

Хайр, хайр, бахтли бўл, гўзал,  
Балки ортар бир кун маошим.  
Шунда осон топаман ҳар гал,  
Сен бўлмасанг сенга ўхшашин

## ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Қирғоққа сурон билан гупириб урар тўлқин,  
Мовий денгиз чайқалиб бамисли олар нафас.  
Чўнг қояга урилиб, бўлганда ҳам чилпарчин,  
Асов тўлқин югуриб, келаверар басма-бас...

Ҳадсиз уммон амрими, армоними бу хунар,  
Ёки у еру қўқдан оламни этар талаб?!  
Во ажаб, вазмин қоя юксалган осмон қадар,  
Сарсарни шунча қудрат ётибди пойин ялаб...

## БИРИНЧИ ҚОР

Биринчи қор ёғди, кўрксиз борлиққа —  
Оппоқ тўн бичилди, бичилди бу кун.  
Кузни эслатувчи хазонлар, бари  
Қорнинг тағларида йўқолди бутун.

Энди сен у кунни эслама зинҳор,  
Ҳадик-ҳаяжонда ўтган дардларни.  
Қарагин биз учун титраб мунис қор —  
Олмоқчи биздаги ҳамма гардларни...

\*\*\*\*\*

Кузнинг сўнгги кунлари бу кун —  
Қирлар тўши, соҳиллар яйдоқ.  
Ҳаволайди мезонлар узун,  
Хиёбонлар очмайди кучоқ.

Намхуш еллар уринар юзга,  
Имиллаб хўп тинмайди ёмғир.  
Кўпчигандай кўринар кўзга —  
Дала-даштда кезмоқ ҳам оғир...

Куз фасли бу, бу — фасли хазон,  
Ҳатто, тасвир, тасаввур карахт.  
Куз бўлмаса мабодо, инон,  
Кўмсамасдик кўкламни ҳеч вақт.

\*\*\*\*\*

(.....га)

Балки сен дўстдирсан, ё балки рақиб –  
Зимдан қарашингни қўймайсан бир зум.  
Нечун керак, ахир, сенга бу таъқиб,  
Текканми шаънингга ё бирор сўзим?

Дангал айт, гуноҳим бордир эҳтимол,  
Уни ювмоқликни ўйлаб кўрайин.  
Ҳавойи бўлсам гар койи бемалол,  
Сўзларинг салмоғин сийлаб юрайин.

Мададга зор бўлсанг келгин ёнимга,  
Сенга бор имконим кўрсатай бир-бир.  
Етар, кузатишинг тегди жонимга,  
Сўйла, таъқибингда не маъно зоҳир?

Чўчима, бастинг бор, хўш, энди қачон –  
Қинғир қарашингни тамом этгайсан?  
Одатинг шу бўлса, бир куни, ишон,  
Ёдимдан бутунлай чиқиб кетгайсан...

## ТЎРТЛИКЛАР

Олқишлайман куз шамолини,  
Ҳазингина бир куй бошлар у.  
Ёнмай туриб ол рангин олган,  
Япроқларни узиб ташлар у...

\*\*\*\*\*

Яшаш, улғайиш ҳам ғалати мактаб –  
Сўнгсиз хаёллардан ўзни ўнглайман.  
Илгари ҳеч кимга бермасдим навбат,  
Энди-чи, ҳаммани вазмин тинглайман.

## МУНДАРИЖА

<b>Наср</b>	
Беғубор хаёллар соҳили(ёднома-қисса).....	3
Кетмончи-бизнинг юрт.....	30
Сўнгги қор кун.....	35
Раис.....	41
Авлиё Султон Увайс.....	46
Даҳанаки жанг.....	48
Тулки ва кулги.....	50
Дорилик гўшт.....	52
<b>Назм</b>	
Сўнгги имкон .....	53
Узоқдаги дўстларга.....	53
Умидим риштаси.....	54
Ёзишим сабаби.....	55
Афанди.....	55
Соҳиб аканинг айтганлари .....	56
“Йиллар, бесабр йиллар”.....	58
“Ўтиб келдим...” .....	59
Қорхат.....	60
“Маошимни сўрабсан, эвоҳ...”.....	60
Денгиз бўйида.....	61
Биринчи қор.....	61
“Кузнинг сўнгги кунлари бу кун...” .....	61
“Балки...” .....	62
Тўртликлар.....	62

**Бахтиёр ЖУМАНОВ**

## **БЕҒУБОР ХАЁЛЛАР СОҒИЛИ**

*Наср ва назм*

**“Зарафшон” нашриёти, Самарқанд 2005йил**

<b>Муҳаррирлар:</b>	<b>Х. Бобомуродова</b> <b>Ў. Ниёзов</b>
<b>Тех. Муҳаррир:</b>	<b>Ш. Хошимов</b>
<b>Мусаввир:</b>	<b>Ш. Ашуров</b>
<b>Мусахҳиҳ:</b>	<b>Ш. Жуманова</b>
<b>Компьютер оператори:</b>	<b>Т. Абдуллоҳ</b>
<b>Саҳифаловчи:</b>	<b>Ф. Сиддиқов</b>

2005 йил 29 апрелда теришга рухсат этилди. Босишга рухсат этилди: 04.07.2005й. Қоғоз ўлчами 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Нашриёт ҳисоб табағи 2,6. Босма табағи 4,6. Газета қоғози. Буюртма 49. Адади 1000. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Зарафшон” нашриёти, 703000,  
Самарқанд шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 12.

ЎзКОЖ МБ тасарруфидаги “Дизайн-принт” МЧЖ ЎИЧК  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: 700100, Тошкент ш.  
Бобур кўчаси, 22-уй.